



Ассалому алайкум, ҳурматли «Ҳамшира» журнали таҳририяти ходимлари!

● Сизларни ўлкамизга кириб келаётган Янги – 2013 йил билан чин қалбдан самимий қутлайман. Келаётган йил барча хонадонларга бахт-иқбол, тинчлик, омад ва қут-барака олиб келсин. Журнални зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Ҳамширалик касбига оид амалий ва назарий билимлар, янгиликлар, ҳикоя, шеърлар мени ўзига жалб этади. Ишдан бўш вақтларимда шеърлар ёзиб тураман. Ёзган шеърларимдан бирини сизга ҳавола қилиш ниятида мактуб битдим.

Таҳририятнинг барча ижодкорларига саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаб

ВАТАН НЕДУР?

Ватан бу – томиримда оқаётган қон,
Ватан бу – танамдаги миттигина жон,
Ватан бу – меҳнатқаш, ҳалол,
соф виждон,
Ватан бу – қалбдаги покиза иймон.

Ватан бу – жилғадек оққан ирмоқлар,
Ватан бу – булутга чирмашган тоғлар,
Ватан бу – кундан-кун чирой таратиб,
Гуллаб яшнаётган далалар, боғлар.

Ватан бу – онадек бағри кенг уммон,
Тубида бойлик кўп, дуру маржонлар,
Ватанда яшайди аҳил ва иноқ,
Кўп миллатли халқлар, яхши инсонлар.

Ватан тупроғини кўзларга суртай,
Кўзларим ёшларга тўлса мен артай,
Ватан соғинчидан тўкилса кўз ёш,
Қайларга бош олиб, қайларга кетай.

Алқисса, Ватанни битта сўз билан,
Таърифламоқ оздир, қийин албатта.
Ватан бу Ўзбекистон мен учун танҳо,
Дунё тан олаётган оламда битта.

Гулчехра ДАВИДОВА,
*Андижон вилояти, Балиқчи тумани,
тез тиббий ёрдам шифокори.*

ОНА ТИЛИМСАН

Навоийнинг назми ила қанот боғлаган,
Бобуршоҳнинг изтиробин хатга жойлаган,
Ўз юртида топталса ҳам сабот айлаган,
Ичимдаги асиримсан ёки пиримсан.
Подшоҳимсан, вазираимсан, Она тилимсан.

Қулоғимга илк бор кирган азонинг бўлди,
Ҳам ўйлатган, ҳам сўйлатган мезонинг бўлди
Ўзлимни англаувчи лисонинг бўлди,
Қайғумсанми, қувончимсан ёки сиримсан
Дардим билан тилмочимсан, Она тилимсан.

Онам бўлиб тунда алла айтардинг ўзинг,
Юпанч бўлиб дилдан гамни ҳайдардинг ўзинг,
Дуо бўлиб не балони қайтардинг ўзинг,
Сўзда кечган ою куним, неча йилимсан
Тарихимсан, тақдиримсан, Она тилимсан.

Қайғураман сенда мудом кўзим ёшланса
Оҳ чекаман сенда гирён дардим бошланса,
Ийдираман юракларни диллар ғашланса,

Йўқловимсан, йиғловимсан, менинг биримсан
Ёр-ёримсан, алёримсан, Она тилимсан.

Ўтда ёндинг, нурга тўлдинг, гоҳо музладинг
Ўзбегимнинг тақдирини элга сўзладинг,
Ингрардинг-у, титрардинг гоҳ, додлаб бўзладинг,
Қодирийлар тақдирдан тилим-тилимсан
Ҳайқириқсан, чақириқсан, Она тилимсан.

Сен борсанки, мен ҳам борман, эл ҳам тирикдир
Ҳар фарзандинг ғурури ҳам улкан, йирикдир
Шундан миллат, шундан қудрат,
шундан бирликдир,
Волидамсан, Ватанимсан, Она еримсан
Саломимсан, каломимсан, Она тилимсан.

Кавсар ТУРДИЕВА,
*Тошкент педиатрия тиббиёт институти
ўзбек, рус, латин тиллар кафедре мудири, доцент.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

HAMSHIRA

ҲАМШИРАЛАР, ФЕЛЬДШЕРЛАР,
ФАРМАЦЕВТЛАР, ТИШ ДУХТИРЛАРИ,
БАКАЛАВР, МАГИСТР ВА БОШҚА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН, УЧ ОЙДА БИР МАРТА
НАШР ЭТИЛАДИГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ,
ТИББИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

УДК 614 25 352

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Журнал 1997 йилдан чиқа бошлаган

№4 (60) – 2012 й.

Бош муҳаррир:
Шухрат АТАХАНОВ

Ижрочи директор:
Абдукарим УСМАНХОДЖАЕВ

Бош муҳаррир муовини:
Рихсихон САЛИХОДЖАЕВА

Масъул котиб:
Маъсуда ТУРАХАНОВА

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат АТАХАНОВ
Мавлуда ЗИЯЕВА
Муҳаррам МУРОДОВА
Салима НАЗАРОВА
Фарҳод ОҚИЛОВ
Ибодат СОАТОВА
Рихсихон САЛИХОДЖАЕВА
Маъсуда ТУРАХАНОВА
Абдукарим УСМАНХОДЖАЕВ
Валихон ҲАКИМОВ
Отажон ҲАМРОЕВ

**Фаргона водийсидаги
журналнинг тарғибот бўлими:**
Андижон шаҳри,
Истиклол кўчаси-9.
Директор Уктам Умурзоқов
Тел.: (8-998-72) 24-34-04.

● **Манзилимиз:**
100113, Тошкент шаҳри,
Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60-уй.
Тел: 273-47-82.
e-mail: hamshira@yandex.ru
e-mail: makad@yandex.ru

Босишга рухсат этилди
ва топширилди: 01.12.2012.
Бичими: 60x80 1/8.
Шартли босма табоқ: 4,0.
Нашриёт босма табоғи: 3,72.
19692 нусха. Буюртма: №0425.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида
0132 рақам билан
2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

ShK NIM «GLOSSA» босмахонасида
чоп этилди. Босмахона манзили:
Тошкент, Авлиё-Ота кўчаси, 93.

Журналдан кўчириб босилганда «Ҳамшира»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Б у с о н д а

Ибн Сино авлодлари
Г. Равшанова 2
Замонавий технологиялар – инсон хизматида
Ш. Саидова 3
Инсонга шифо бағишлаш саодати
Ш. Ҳазраткулова 4
Паллиатив ёрдам ҳамширалар эътиборида
М. Ҳасанова 7
Навқирон авлод манфаатларини муҳофазалаш йўлида
Б. Хидирова 8
Замонавий қишлоқ врачлик пункти –
тиббиётнинг ноёб модели
Т. Бекназаров 10
Ҳамшира - спорт элчиси
Р. Аллаярова 11
Олий ҳамшираликда фанлараро интеграция
И. Разикова 12
Мустақкам оила – юрт таянчи
Ш. Маликова 13
Сийдик чиқариш йўли касалликлари 14
Скрининг хизмати - оналик ва болаликни
муҳофазалашнинг муҳим омили
Б. Хайдарова 16
Ҳамширанинг бемор билан мулоқот санъати
А. Усманходжаев 18
Эл ишончи – юксак масъулият 20
Пародонтит
С. Алимов, Р. Джафарова 22
Шифохона ичи инфекциясини профилактика қилишда
стерилизациянинг аҳамияти
А. Сағдуллаев 23
Даволовчи овқатланишнинг аҳамияти
В. Нестеренко 24
Сифатли тиббий хизмат: унда ким қандай имтиёзга эга?
А. Агзамов 26
Сестринский процесс при работе
с онкологическими больными
С. Мирзараимова, З. Исламова 28
Бурундан қон оққанда ҳамширанинг ёрдами
Б. Усманходжаева 29
Яна бир бор компьютер ҳақида
М. Тураханова 30
Хатлар 32

Муқовада:

Республика «Энг фаол умумий амалиёт врачлари», «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поли-клиника», «Энг фаол патронаж ҳамшира» кўрик-танловларининг ғолиблари.

© Hamshira №4-2012

ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

● Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказидаги Ибн Сино ҳайкали пойида «Талабалikka бағишлов» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг биринчи курс талабалари қасамёд қабул қилишди.

● Тадбирда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори, Ўзбекистон Қаҳрамони Халидjon Камиллов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир Даминов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар жараёнида аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Кардиохирургия

мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Бу борадаги ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда пухта билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббий таълим муассасаларида машғулотлар ўқитишнинг энг замонавий услублари, илгор педагогик технологияларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам талабалар билим ва кўникмаларини ошириши, жаҳон тиббиётининг илгор технологияларидан фойдаланиши, замонавий даволаш усуллари эгаллаши учун барча шароит яратилган. Институт кафедралари ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказлар ва етакчи клиникалар базасида жойлаш-



гани дарсларни амалиёт билан боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабалари ҳам иштирок этиб, улуғ аждодларимиз асос солган илмий мактабни янада ривожлантиришга, келажакда халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

— Тиб илмининг султони, бобокалонимиз Ибн Сино ҳайкали пойида қасамёд қабул қилганимиз катта рамзий маънога эга, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти «Олий ҳамширалик иши» бўлими биринчи курс талабаси Муяссар Султонхўжаева. — Бу бизни буюк аждодимизга муносиб бўлишга, чуқур билим олиб, етук мутахассис бўлиб етишишга ундайди.

Талабалар академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Кардиохирургия мажмуаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда яратилган шароитлар шифокор бўлишни мақсад қилган интилувчан ёшларда катта таассурот қолдирди.

Гулбаҳор РАВШАНОВА.

ри қийинлаша бошлайди. «Сичқонча»нинг тугмасини босиш қийинлашади, кучсизлик юзага келади, қўл ўз-ўзидан ёзилиб кета бошлайди, илгари бундай симптомлар қўлда кўп ёзадиган одамларда учраб эди. Бу ҳолатни «ёзувчилик спазми» деб аташар эди.

Спазмни қўлнинг айрим нуқталарини уқалаш орқали бартараф қилиш мумкин. Билакнинг ташқи тарафида, тирсак бўғимидан 1,5-2 см пастроқда мушакда қотиб қолган, оғрийдиган жойни пайпаслаб топиш шу жойни то енгиллик сезмагунингизча уқалаш керак. Агар нуқталарни уқалаш ёрдам бермаса, демек бу муаммо анча илгари пайдо бўлган ва «кафтнинг туннели синдроми» пайдо бўлгани ҳақида гапириш мумкин. Бу касаллик билан врачга мурожаат қилиш керак бўлади.

«Туннель синдроми» қандай ривожланади? Қўл кафти ва бармоқларнинг бир хил ва узоқ вақт давомида ҳаракат қилиши натижасида қон томир-нерв боғлами ва атрофдаги тўқималарда доимий микрожароҳатлар юзага келиб, нервнинг эзилишига олиб келади. Қўлнинг кафт ва панжаларидаги нерв толалари эса суяклар, боғламлар ва мушаклардан ташкил топган маълум каналлар (туннеллар) орқали ўтади. Одам узоқ вақт давомида клавиатурадаги клавишларда матн териб ўтирса ва компьютернинг «сичқончаси»ни бошқарса, у қўл панжаларини доимо бир ҳолатда, столга тираб турган ҳолатда ушлаб туришга мажбур бўлади, шу сабабли суяклар, нерв толаларини эзиб қўяди. Бу шароитда айрим мушакларга ортиқча юклама тушади, улар аввал гипертрофияга учрайди, кейин нерв толаларини сиқа бошлайди. Нерв ичида қон айланиш бузилади, нерв импульсларининг ўтиши қийинлашади, бу эса кучли оғриқ пайдо қилади, бармоқлар шишади ва увишиб қолади.

Кафт синдромининг даволашнинг иккита йўли бор. Биринчиси — дори воситалари ёрдамида даволаш. Нерв каналларига ва нервни ўраб турган тўқималарга инъекция ёрдамида нервнинг ўтказувчанлигини қайта тиклаш мақсадида глюкокортикоид препаратлари юборилади. Иккинчи йўли — хирургик йўл, бунда нервни сиқиб турган тўқималар тилинади.

Бунчалик жиддий даволашни талаб қиладиган кафтнинг «туннель синдроми» пайдо бўлишининг олдини олиш учун компьютер билан ишлаётганда профилактика қоидаларига риоя қилишга ҳаракат қилинг, яъни:

- қўлнинг тирсак бўғимида букиладиган бурчаги 90 градусни ташкил қилишига;

- «сичқонча» билан ишлаётганда қўл панжаси тўғри ва стол четидан иложи борича узоқроқда ётиши керак;

- «сичқонча»ни махсус ортопедик гиламча (дўмбоқчалари бор) устига қўйиш керак.

Кам ҳаракатлик — гиподинамия

Компьютер олдида доимо ва узоқ вақт давомида ишлаш соғлиқ учун яна бошқа муаммоларни пайдо қилади. Бўшашган ҳолатда ўтириб ишлаш мушаклардаги чарчоқларни бартараф қилади деб ўйлаш нотўғри фикр, аксинча, бу ҳолат мушаклардаги чарчоқни кўпайтиради. Кўпинча бўйин жабр кўради, унинг мушаклари доимий таранглик, зўриқиш ҳолатида бўлади.

Умurtқалар сатҳи кенгайди, шу сабабли умurtқа артерияси ва уни ўраб турган нервлар сиқилади, мияга қон келиши бузилади, томирларда спазм юзага келади, улар эса бош оғришини келтириб чиқаради.

Доимо ўтириш эса тос соҳасида қон тўпланиб қолишига олиб келади, бу эса сийдик-таносил системасига салбий таъсир кўрсади. Ундан ташқари, юрак-қон

томир касалликлари пайдо бўлиш хавфи ортади.

Юқорида қайд этилган салбий оқибатларни олдини олиш учун энг аввало узоқ ўтириб қолманг, танаффус қилинг. Гимнастикани инкор қилманг, сузиш ҳавзасига боринг, велосипедда юринг.

Ундан ташқари, мушаклар таранглигини бўшаштирувчи махсус машқларни бажаринг. Улардан биттасини эътиборингизга ҳавола этамиз. Бўйингизнинг паст қисмига теннис коптогини қўйиб ётинг. Бир оз вақт шундай ётгандан кейин, оҳисталик билан коптоқни умurtқалар бўйлаб гилдирашиб, кураклар тарафига ўтказинг. Бу машқни бир кунда бир неча марта қайтарсангиз, бўйин ва орқа мушаклар бўшашганини, бошингизнинг оғригани ўтиб кетганини сезасиз.

Компьютер олдида ўтирганингизда электромагнит нурларидан зарар кўриш масаласида олимларнинг фикри ҳар хил. Баъзи бир олимлар бу нурланиш соғлиққа зарур еткази десалар, бошқа олимлар бу фикрни инкор қиладилар. Нима бўлганда ҳам, компьютернингиздаги монитор ва процессор ҳозирги замон стандартларига жавоб берса — улар сизни ишонarli даражада ҳимоя қилади.

Компьютер бизнинг ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Бунга тўсқинлик қила олмаймиз. Энг муҳими, одам унга боғланиб қолмаслиги керак. Иш давомида кўпроқ дам олинг, якшанба кунлари эса очиқ ҳавода, шаҳардан ташқарида дам олишга ҳаракат қилинг.

Компьютер олдида узоқ ўтирадиган ёш болаларнинг ҳам қадди-қомати хунук бўлиб, координацияси бузилиши, диққатни бир жойга жамлаш қобилияти пасайиши мумкин. Шунинг учун азиз ота-оналар боланинг компьютер билан ишлаш вақтини назорат қилишлари, унинг эътиборини кўпроқ спорт билан шуғулланишга қаратишлари лозим.

Масуда ТУРАХАНОВА
тайёрлади.



ЯНА БИР БОР КОМПЬЮТЕР ҲАҚИДА

● *Компьютер инсоният учун катта имкониятлар очиб бермоқда. Интернет орқали узоқдаги дўстларимиз билан суҳбатлашамиз, эртага бўладиган об-ҳаво ҳақида маълумот оламиз, самолётга чипта буюртирамиз, китоб ўқиймиз. Компьютер билан ишлаш оғир жисмоний меҳнат қаторига кирмайди, лекин...*

● Кун бўйи монитор олдида ўтиргандан кейин, одатда, оғир чарчоқ сезилади. Айрим ҳолларда қўл панжалари увишиб, бармоқлар титраши, кафтда оғриқ пайдо бўлиши, кўзнинг ўткирлиги пасайиши, кўзда оғриқ ва ачишиш пайдо бўлиши мумкин.

Куруқ кўз синдроми

Компьютердан ногўғри фойдаланиш биринчи навбатда кўзларга таъсир қилади. Текстнинг майда-майда вибрацияси ва экраннинг милтираб туриши кўз мушакларини зўриқтиради, бу эса аста-секин кўзнинг ўткирлиги пасайишига олиб келади. Монитор олдида ўтириб ишлаш кўздан кучли зўриқиш билан ишлашни талаб қилади, чунки монитордаги тасвир биз ўйлагандек аниқ эмас. Оддий босмадан чиққан ҳужжатга қараш уни мониторда кўришга нисбатан кўз учун қийнроқдир.

Оддий шароитда биз бир дақиқада 20 марта кўзни пирпиратамиз, монитор олдида эса уч баровар кам пирпиратамиз. Шу сабабли кўзни ҳўллаб турадиган кўз ёши пардаси қисман қурийд ва куруқ кўз синдроми юзага келади. Кўп вақтини компьютер олдида ўтказадиган одамларда бу энг кўп учрайдиган касаллик. Унинг симптомлари: чарчаш, ёруғликдан қўрқиш, оғриқ, кўзга чўп тушгундай ҳис пайдо бўлиши, шунга яраша қичиш, ачиш, безовта бўлиш ва қизариш.

Кўз ёши пардасининг қуруши кўз ўткирлигини тахминан 0,5 бирликка пасайтиради, шунинг учун профилактика мақсадларида кўз ёши пардасини қайта тик-

ловчи махсус томчилардан фойдаланиш лозим. Иш бошлашдан олдин врачнинг рухсати билан таркибида консервантлар бўлмаган дори томизиш лозим.

Иш давомида ҳар соатда камида 10 дақиқа танаффус қилиб танаффус вақтида бадантарбия машқларини бажариш тавсия этилади. Ҳар 2 соат давомида эса қуйидаги кўз гимнастикаси машқларини 10 мартадан бажариш мумкин:

- 3 сония давомида кўзингизни маҳкам юминг, кейин очинг;
- кичик-кичик тўхташлар билан соат стрелкаси бўйича кўз олмасини юқорига-чапга-пастга-ўнгга айлантинг, кейин тескари йўналишда айлантинг;

- 3 сония давомида узоқ-узоқларга қаранг, кейин бурнингиз учига қаранг, охирида киприкларингизни пирпиратинг.

Куруқ кўз синдромининг бошланиш босқичларида (онда-сонда кўз ачишиши, бегона жисм тушиб қолгандай ҳис пайдо бўлиши ва қуругандай бўлиши) аҳволни яхшилаш учун шу тадбирларнинг ўзи етарли. Лекин, кўзнинг ачишиши давом этаверса, унга яна оғриқ қўшилса, қизарса, шишса, кўз ўзининг табиий ялтироқлигини йўқотиб, хиралашиб қолса, демак касаллик сурункали босқичга ўтган бўлади, бу ҳолда томчиларнинг ўзи ёрдам беролмайди. Албатта офтальмологга кўриниш зарур.

Шуни айтиш жоизки, агар ёши катта одамларда кўзларнинг зўриқиши натижасида кўз аккомодациясининг спазми — сохта узоқни кўра олмаслик (миопия) пайдо бўлса, болаларда эса, монитор олдида узоқ ишлаш ҳақиқий ми-

опияга олиб келади ва бу касаллик ёш ўтиб борган сари зўрайиб бораверади.

Офтальмологлар компьютер билан ишлайдиган одамларга кўзни асраб қолиш учун қуйидаги тавсияларни таклиф қиладилар:

- Монитор олдида ўтирганингизда вақти-вақти билан кўзларингизни пирпиратиб туринг.

- «20/20» қоидасига риоя қилинг. Яъни ҳар 20 дақиқада монитордан кўзингизни узиб, 20 сония давомида четга, бошқа нарсаларга қаранг.

- Иш жойингизда ёруғликни камайтиринг. Хонадаги марказий ёритишга мўлжалланган кучли чироқларни кучсизроқ чироқларга алмаштиринг. Сизнинг кўриш майдонингизда деразалар бўлмаслиги керак.

- Мониторингизнинг эргономикасига аҳамият беринг. Экран сизнинг рўпарангизда бўлсин, сиз у ёки бу тарафларга бурилмаслигингиз лозим. Монитор ва юзнинг ўртасидаги масофа — узатилган қўл узунлигида бўлсин.

- Компьютер учун чиқарилган махсус кўзойнақлардан фойдаланинг, улар кўзингиз учун қулайлик туғдиради.

Кўз қуруши синдромининг бошланғич босқичларида линза тақиш тавсия қилинмайди. Контакт линзалар ўрнатишдан олдин офтальмологнинг махсус текшируви — Ширмер синамасидан ўтиш лозим.

Профилактика мақсадларида доимо кўзингизни текширувдан ўтказиб туринг: 40 ёшдан 65 ёшгача — ҳар 2-4 йилда, 65 ёшдан кейин — ҳар 1-2 йилда.

Қўл кафтининг суякларига таъсири

Компьютерда узоқ вақт давомида ишлаганда бир гуруҳ мушакларнинг доимий зўриқиши натижасида, қўлнинг ҳаракатла-

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИНСОН ХИЗМАТИДА

● *Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда кардиохирургия соҳасида амалга оширилаётган ишлар самаралари, ютуқ ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этган тадбирда тиббий-илмий муассасалар, ихтисослаштирилган марказлар олим ва шифокорлари ҳамда журналистлар иштирок этди.*

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар халқимизнинг саломатлигини асраш, профилактика, диагностика ва даволаш ишларини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор кардиохирургия соҳасини ривожлантиришда ҳам юксак самаралар бераётир. Ҳозирги кунда бу йўналишда жойлардаги бирламчи шифо масканларида аҳолига кенг қўламда замонавий тиббий-профилактика ва диагностика хизмати кўрсатилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Хоразм ва Наманган вилоят кардиология марказларида юксак технологиялар асосида ноёб тиббий амалиётларни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Хусусан, Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида ҳар йили етмиш минг нафардан кўпроқ беморга бу йўналишда юқори технологиялар асосида оператив тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида ушбу марказда замонавий Кардиохирургия мажмуасининг фойдаланишга топширилгани аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Тўрт қаватли ушбу янги бинода туғма ва орттирилган юрак хасталиқларига аниқ ташхис қўйиш, жарроҳлик муолажаларини юқори савияда ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Ушбу марказнинг поликлиникасида бир кунда икки юз нафар беморга маслаҳат-ташхис ёрдами кўрсатиш имкониятлари мавжуд.

Жаҳон тиббиётининг янги услубларини чуқур ўзлаштириш ва мамлакатимиз илм-фанининг ютуқларини дунё миқёсида кенг ёйиш мақсадида кўплаб хорижий мамлакатларнинг етакчи клиниклари ва илмий марказлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Республика ихтисос-

лаштирилган хирургия марказида хорижлик олимлар билан ҳамкорликда кардиохирургиянинг турли муаммоларига бағишланган анъанавий қўшма лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бундай алоқалар натижасида кейинги йилларда миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл ва оёқ томирлари касалликларини даволаш бўйича мураккаб операцияларни амалга оширишнинг янги технологиялари ўзлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази жигар циррози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган минтақамиздаги ягона шифо масканидир. Мамлакатимиз тиббиётининг бундай ютуқлари халқимизнинг саломатлигини асраш, ногиронликнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда кардиохирургия соҳасида амалга оширилаётган илмий ва амалий лойиҳалар, халқаро ҳамкорлик самаралари, малакали мутахассислар тайёрлаш, устоз-шогирд анъаналарини мустаҳкамлаш, тиббий ислохотларни такомиллаштириш истиқболларига оид маърузалар тингланди. Журналистларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Шоуста САИДОВА.



ИНСОНГА ШИФО БАҒИШЛАШ САОДАТИ

● *Дунёда касблар кўп. Уларнинг ҳар бири замирида инсониятга ва жамиятга наф келтириш, ўзидан эзгу амаллар ва яхши ном қолдириш, келажак авлодлар учун тўқис ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади мужассам. Шифокорлик эса ана шундай шарафли ва масъулиятли касблардан биридир. Бу касб соҳиблари бутун умрини инсон саломатлигини асрашга бахшида этади.*

● Бугунги кунда мамлакатимизда уч юз етмиш минг нафардан зиёд ана шундай соҳа ходимлари — врач ва ҳамширалар эл саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қизгин иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароитларни яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжатга биноан тиббиёт ходимларининг касб байрами ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ушбу санага бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Адҳам Икромов кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассисларининг хизматлари нечоғлик масъулиятли эканлиги ва бу борада катта ютуқларга эришяётганликларини таъкидлаб, уларни касб байрамлари билан муборакбод этди.

Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирани Анвар Алимов ҳам мустақиллик йилларида мам-

лакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади инсон ҳаёти, саломатлиги ва манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилаётгани жамиятимизни тараққий эттириш ва кўзланган эзгу мақсадларга эришимизда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Мамзаноир Хўжамбердиевлар соҳа ходимларини чин кўнгилдан қутлаб, уларга дилларидаги илиқ тилакларни билдирдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармони тиббиёт тизимини такомиллаштириш, соҳада янгича услубларни, илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим босқични бошлаб берди. Ўтган йиллар мобайнида бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Натижада энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи шифо масканлари, республика ва вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган замонавий тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи шакллантирилди.



БУРУНДАН ҚОН ОҚҚАНДА ҲАМШИРАНИНГ ЁРДАМИ

Барно УСМАНХОДЖАЕВА, олий тоифали ЛОР шифокор

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

● Кам миқдорда қон йўқотиш деганда бир неча томчидан бир неча ўн миллилитргача қон йўқотиш кўзда тутилади. Бундай қон оқиш организмда қандайдир метаболик ўзгаришларни келтириб чиқармайди ва кўп ҳолларда патологик симптомлар юзга келмайди. Лекин ёш болаларда ва руҳий ҳолати ўзгаришчан одамларда психологик реакция (истерика) ёки вегетатив томир реакцияси (хушдан кетиш)га олиб келиши мумкин.

Бурундан қон кетишнинг енгил даражасида йўқотилган қон 10-12%-ни ташкил қилади (ёши катта одамларда 500—700 мл). Беморларнинг шикоятлари: мадорсизлик, қулоқ шангиллаши, кўз олдда чивинлар учиб юргандек ҳиссиёт, чанқаш, бош айланиши, юракнинг тез-тез уриши, тери қаватлари ва кўринадиган шиллик қаватлар бироз оқариши мумкин.

Қон йўқотиш давом этавериб, айланиб юрган қон миқдорининг 15-20 % -ини ташкил этса (ёши катта одамда 1000-1400 мл), қон йўқотишнинг ўрта даражаси деб ташхис қўйилади. Субъектив симптомлар кучаяди, тахикардия яққол намоён бўлади, артериал қон босими пасаяди, нафас олиш қийинлашади, периферик вазоспазм белги (акроцианоз)лари пайдо бўлади.

Айланиб юрган қоннинг 20% идан ортиги йўқотилса, геморрагик шок (эс-хушини йўқотиш, онгнинг тормозланиши, тахикардия кучайиши, ипсимон томир уриши, артерал қон босимнинг кескин пасайиши ва бошқ.) ривожланади.

Ташхис

Бурун бўшлиғининг олдинги бўлимларидаги шиллик қават жа-

роҳатланса қон ташқарига оқиб чиқади, орқа бўлимлари жароҳатланса — қон ютилади ва ошқозон ва (ёки) ўпкадаги қон оқишни эслатади. Қоннинг ранги — ярқирок қизил. Қон ютиб юборилганда қонли қусиш бўлиши мумкин. Қон кўп оққан ҳолларда беморнинг ранги оқаради, бўшашади, боши айланиб, қулоғи шангиллайди.

Шуни назарда тутмоқ лозимки, бурундаги қон юқори нафас йўлларидаги бошқа бўлим (халқум, ҳиқилдоқ, кекирдик, ўпка, камдан-кам ҳолларда ўрта қулоқдан эшитиш найи орқали) ларидан келиб тушиши мумкин. Буни аниқлаш учун риноскопия, фарингоскопия қилиш, бошқа ЛОР-аъзоларни текшириб кўриш керак бўлади. Айрим ҳолларда операцион микроскоп ёки микроэндоскоп ёрдамида микроэндоскопия қилинади. Бурундан оқаётган қон тоза, ранги ўзгармаган, халқумнинг орқа деворидан оқиб тушаётгани, айниқса бошини орқа томонга ташлаганида, яхши кўринади. Нафас йўлларидаги пастки бўлимларидан оқиб чиққан қон эса бироз кўпирган бўлади, фарингоскопия усули билан унинг оқиб тушишини аниқлаб бўлмайди.

Лекин қонаётган жой бурун-халқумда ҳам бўлиши мумкин, бундай ҳолларда буруннинг орқа бўлимларидан қон оқаётган деб ўйлаш мумкин. Одатда қон буруннинг бир ярмидан оқади, лекин айрим ҳолларда бурун-халқум орқали қон буруннинг соғлом ярмига ҳам оқиб ўтиши мумкин. Бу эса янглишиб буруннинг соғлом ярмини олд томондан тампонада қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Даволаш

Қон оқаётганда биринчи ёрдам: - беморни тинчлантириш; - беморни ўтқазиб қўйиш, бошини орқага ташламлигини таъминлаш;

- буруннинг касалланган ярмига 3% водород пероксид билан ҳўлланган пахта шарчасини тиқиш;

- буруннинг қанотини бармоқ билан бурун тўсигига босиб, шу ҳолатда 10-15 минут ушлаб туриш;

- буруннинг қаншарига ёки бўйинга совуқ нарса(идишда муз, ҳўл сочиқ)ни босиб туриш.

Бошни орқага ташлаш мумкин эмас, чунки бу ҳолда қон оқиш яширин оқади (қон билингирмасдан халқум девори бўйлаб оқиб тушади). Бурундан оқаётган қон тўхтатилгандан кейин, қон оқиб чиқаётган жойни кумуш нитратнинг 50%ли эритмаси билан, уч хлорли сирка кислотаси ёки хром кислотаси билан ёки гальванокаутерда куйдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган усуллар фойда бермаса, буруннинг шиллик қаватлари огриқсизлантирилгандан кейин (3-5 %ли кокаин эритмаси билан ёки 3 %ли дикаин эритмасига 0,1% адреналин эритмаси аралаштириб), бурун бўшлиғини олд томондан (ҳаммасини ёки олдинги бўлимини) водород перексид, турли ёғлар, ёки гемостатик паста шимдирилган дока турундлари билан тампонада қилинади.

Турундлар қаватма-қават, бурун бўшлиғининг тубидан бошлаб киритилади.

(Давоми кейинги сонда.)

СЕСТРИНСКИЙ ПРОЦЕСС ПРИ РАБОТЕ С ОНКОЛОГИЧЕСКИМИ БОЛЬНЫМИ

Сабоҳат МИРЗАРАИМОВА,

Республиканский онкологический научный центр, кандидат медицинских наук, врач-онколог,

Захро ИСЛАМОВА,

старшая медсестра отделения общей онкологии

● **Сестринский процесс** — это систематизированный метод решения проблем для предоставления индивидуализированной помощи пациентам при любом состоянии здоровья. Организационная структура сестринского процесса состоит из пяти основных этапов: сестринское обследование пациента, диагностирование его состояния (определение потребностей и выявление проблем), планирование помощи, направленной на удовлетворение выявленных потребностей (проблем), выполнение плана необходимых сестринских вмешательств и оценка полученных результатов с их коррекцией в случае необходимости. Осуществляя сестринский процесс, медсестра является координатором и связующим звеном между всеми участниками лечения.

Деятельность работающей с онкологическими больными медсестры строится согласно этапам сестринского процесса.

I этап. Первичная оценка состояния пациента

При первом контакте с онкологическим больным медсестра знакомится с ним и его родственниками, представляется сама. Сбор субъективных данных.

Если пациент не в состоянии отвечать на вопросы, то медсестра может проинтервьюировать его родственников. Алгоритм действий медсестры:

- Прежде всего, медсестра определяет наличие боли, дискомфорта или изменений функций органов у пациента в связи с наличием заболевания. Это необходимо для идентификации дискомфорта. Если пациент испытывает неудобства, медсестра должна по возможности их устранить для продолжения расспроса, с тем, чтобы пациент мог в полной мере участвовать в диалоге.

- С целью определения информированности пациента о своем заболевании, медсестра расспрашивает

его о причине, о длительности существования заболевания.

- Медсестра расспрашивает пациента о наличии других, не связанных с данным заболеванием, проблем со здоровьем и перенесенных заболеваний. Это позволяет уточнить историю болезни и в последующем более корректно составить план сестринского ухода.

- Медсестра уточняет, когда и какие хирургические болезни пациент перенес в прошлом, наличие осложнений и других проблем, связанных с предыдущими хирургическими вмешательствами. Это необходимо для уточнения хирургического анамнеза, а также ориентирует медсестру на потенциальные проблемы пациента.

- Медсестра тщательно собирает аллергологический анамнез, т.к. пищевые и медикаментозные аллергены могут ухудшить исход лечения.

- Медсестра уточняет, какие лекарственные препараты принимает пациент, включая аспирин, оральные контрацептивы и другие лекарственные средства, отпускаемые без рецепта. Это идентифицирует потребность в дальнейшей лекарственной терапии и возможные осложнения.

- Медсестра выясняет у пациента, принимает ли он лекарственные вещества с целью решения проблем, не связанных с лечением заболеваний. Она предупреждает больного о возможности лекарственной зависимости и возможных осложнениях и проблемах, связанных с анальгезией.

- Медсестра расспрашивает о питании, характере пищи, калорийности, качестве и количестве пищи, о пищевых привычках и пристрастиях, уточняет, находится ли пациент на специальной диете и с какой целью, а так же иные моменты, связанные с социальными и культурными особенностями приема пищи конкретным человеком. Целью является облегчение адаптации пациента к условиям стационара, опре-

деление для пациента и членов его семьи приемлемых и предпочтительных продуктов для употребления в связи с наличием того или иного заболевания. Может потребоваться консультация диетолога.

- Медсестра расспрашивает пациента о курении, и если пациент курит, то, какое количество сигарет в день. Уточняет анамнез курения. Эта информация необходима для идентификации риска развития респираторных осложнений. Кроме того, заядлым курильщикам предстоит дополнительные диагностические процедуры.

- Медсестра расспрашивает пациента о приеме алкоголя, о его частоте и количестве. Это делается для выявления возможных заболеваний печени, в случае алкоголизма.

- Медсестра отмечает наличие протезов: протезов конечностей, зубных протезов, контактных линз, т.к. перед операцией их необходимо снять.

- Медсестра отмечает все имеющиеся дисфункции (мышечная слабость, потеря слуха, снижение остроты зрения). Это делается для идентификации существующих проблем и уточнения плана ухода и обучения пациента.

- Медсестра расспрашивает пациента о его взаимоотношениях с родственниками (партнер, родители, дети, другие родственники). Идентификация тех, кто может быть включен в процесс обучения, а также к кому обращаться в экстренном случае.

- Медсестра уточняет, с кем пациент проживает дома. Идентификация человека, который может оказать поддержку в реабилитационном периоде.

- Медсестра предлагает пациенту встретиться с адвокатом и уладить возможные юридические проблемы, а также осуществить волеизъявление.

(Продолжение следует.)

КЎРИК-ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ

«Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» республика кўрик-танлови натижаларига кўра, 1-ўрин Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Исковот», 2-ўрин Бухоро вилояти, Бухоро тумани «Шергирон», 3-ўрин Фаргона вилояти Олтиариқ тумани «Катпут» қишлоқ врачлик пунктларига насиб этди.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Денов туманидан «Кўчакли», Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан «Бахштепа», Навоий вилояти Нурота туманидан «Янгиобод», Хоразм вилояти Урганч туманидан «Чотқўпир», Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидан «Дўстлик», Андижон вилояти Асака туманидан «Марқано», Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидан «Фаргона», Жиззах вилояти Зарбдор туманидан «Равот», Қашқадарё вилояти Қамаш тумани «Бердали», Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидан «Ўртасарой» қишлоқ врачлик пунктлари танлов мукофоти лауреатларига айланишди.

«Энг яхши патронаж ҳамшира» республика номзодлар танлови бўйича 1-ўринга Андижон вилояти Асака тумани «Арғин» ҚВП патронаж ҳамшираси **Дилнозахон Аҳмадалиева**, 2-ўринга Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Гултепа» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси **Зебо Хўжаназарова**, 3-ўринга Сирдарё вилояти Сардоба тумани Ф.Ғуллом номли қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси **Тўлғоний Чўтанова** ва Жиззах вилояти Жиззах тумани «Оқтош-геология» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси **Гавҳар Пармановалар** лойиқ деб топилди.

«Энг намунали оилавий поликлиника» танлови якунига кўра, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани **39-оилавий поликлиникаси** голиб деб топилди.

«Энг яхши умумий амалиёт шифокори» республика номзодлар танлови бўйича 1-ўринга Қашқадарё вилояти Ғуздор тумани «Қорқўмди» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачлари **Феруза Мустанова**, 2-ўринга Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Худайкулобод» қишлоқ врачлик пункти мудири **Ҳусниддин Худаяров**, 3-ўринга Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани «Кавардон» қишлоқ врачлик пункти мудири **Санобар Узоқова**, Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани «Ғазават» қишлоқ врачлик пункти мудири **Меҳрибон Юсуповалар** сазовор бўлишди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Эмлаш орқали юқумли касалликларнинг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлар тармоғини ривожлантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишлари узлуксиз жараёнга айланди.

«Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастурини ҳаётга татбиқ этиш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ каби дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда узоқни кўзлаб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ҳаётбахш дастур ва лойиҳаларнинг бераётган улкан самарасидир. Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда халқимизга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган инвестиция дастурлари бунга мисолдир.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар натижасида жойларда уч минг икки юзта қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида уларнинг инфратузилмасини ва моддий-техника базасини яхшилаш учун етмиш миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилди.

Жорий йилда ишлаб чиқилган инвестиция дастурига мувофиқ, яна йигирмадан зиёд ана шундай замонавий бирламчи тиббий-профилактика муассасалари барпо этилмоқда.

Улардан бири Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Исковот» қишлоқ врачлик пункти Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

«Исковот» қишлоқ врачлик пункти ўн мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Икки нафар умумий амалиёт шифокори ва ўн тўққиз нафар ҳамшира қишлоқ аҳолисининг саломатлигини асраш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолини бирламчи тиббий-профилактика кўриги билан тўлиқ қамраб олиш, оналар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Врач ва ҳамширалар ҳар ҳафтада уч марта маҳаллалар ва хонадонларда санитария-тарғибот кунларини ташкил этадилар. Таълим масканларида соғлом турмуш тарғиботига оид кўплаб машғулот ва тадбирлар уюштирилади.

Мазкур бирламчи шифо масканида эришилаётган бундай ўзига хос ютуқлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти-

2012» танловида юксак баҳоланди: **мазкур ҚВП биринчи ўрин совриндори бўлди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.**

– Мен йигирма беш йилдан буён соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайман, – дейди «Искавот» қишлоқ врачлик пункти мудир Малика Эралиева. – Илгарилари қишлоқларда кичкинагина «медпунктлар» фаолият юритар, бундай муассасаларда аҳолига маалака тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд эмас эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга қаратаётган доимий эътибори туфайли энг чекка қишлоқларда ҳам аҳолига замонавий андозалар асосида тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди ва тиббий воситалар билан таъминланди. Бугунги ҚВПлар кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича юксак салоҳиятга эга. Мен ана шундай замонавий тиббий масканида фаолият юритаётганимдан доимо фахрланаман ва яратилаётган ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб, эл саломатлигини асраш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларга муносиб улуш қўшишни асосий вазифам деб биламан.

Тадбирда Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Ушбу шифо маскани шаҳар аҳолисига бирламчи тиббий-профилактика ёрдамни самарали ташкил этаётган замонавий шифо масканидир.

– Тиббий масканимиз ўттиз мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда, – дейди мазкур оилавий поликлиника бош шифокори Захро Расулхўжаева. – Эллик нафардан кўпроқ врач ва бир юз йигирма нафардан зиёд ҳамширалар эл саломатлигини асраш йўлида самарали иш олиб бораётир. Бунинг натижасида халқимизнинг саломатлиги яхшиланмоқда, оналар ва болалар ўлимнинг олди олинаётир. Ушбу танловда бизнинг тиббий масканимиз биринчи ўринга сазовор бўлгани жамоамизни ниҳоятда қувонтирди. Бу ишонччи оқлаш учун бор куч-салоҳиятимизни ишга солиб меҳнат қиламиз.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши профилактика чора-тадбирларини изчил ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилаётир. Бу вазифаларни амалга оширишда умумий амалиёт врачларининг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган ҚВПларда етти мингдан зиёд ана шундай шифокорлар меҳнат қилмоқда. Қашқадарё вилояти Фузур тумани «Қорқўмди» қишлоқ врачлик пункти шифокори **Феруза Мустанова** улардан бири. У танловда йилнинг «Энг фаол умумий амалиёт шифокори» номинацияси ғолиби бўлди.

– Бу мукофот нафақат менинг, балки, бутун ҚВПмиз жамоасининг фаолиятига берилган юксак

баҳо деб биламан, – дейди Ф. Мустанова. – Мен 2005 йилдан буён ушбу шифо масканида ишлаб келмоқдаман. Бу даврда ҚВПларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, бизнинг тиббий муассасамиз ҳам «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича замонавий жиҳозлар билан таъминланди. 2009 йилда ҚВПмиз фолияти тубдан такомиллашди ва модель ҚВПга айлантирилди. Бу борада Тошкент врачлар малакасини ошириш институти олимлари билан ҳамкорлигимиз катта самара бермоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тиббий тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида уч юз минг нафардан зиёд ҳамширалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳамширалик ишини такомиллаштириш, ўрта тиббий ходимларининг малакасини ошириш, аҳолига ҳамширалик ёрдами кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ишлар ўрта тиббий ходимларининг фаоллигини ошириш, иқтидорини намоён этишда кўмаклашишга хизмат қилмоқда. Тиббий ёт ходимлари кунига бағишлаб ташкил этиладиган танловда айнан «Йилнинг энг фаол ҳамшираси» номинациясининг жорий этилгани ҳам ушбу соҳа мутахассислари фаолиятини юксалтиришга қаратилаётган эътиборнинг бир кўринишидир.

Танловнинг ушбу номинациясида **Андижон вилояти Асака тумани «Арғин» ҚВП ҳамшираси Дилноза Аҳмадалиева биринчи ўринни эгаллади.**

– Ёшлигимдан ҳамшира бўлишни жуда-жуда орзу қилардим. 2004 йил Асака тиббий коллежини биттириб туманимиздаги марказий поликлиниканинг аёллар маслаҳатхонаси патронаж ҳамшираси бўлиб иш бошлаганман, – дейди Дилноза Аҳмадалиева. – Ҳозирда эса «Арғин» қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаяман. ҚВПмиз етти мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Икки нафар умумий амалиёт шифокоримиз ва олти нафар ҳамшира мен билан бир сафда ишлайди. Ҳар биримизга муайян ҳудуд ажратилган ва тегишли аҳоли бириктириб берилган. Мен 1153 аҳолига хизмат кўрсатаман. Асосан, аҳоли хонадонларида, таълим масканлари, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга эътибор қаратамиз. Бунинг натижасида оғир касалликларни камайтириш, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофазалашда салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Менинг танловда эришган ютуғим бутун жамоамизнинг, қолаверса, вилоятимизнинг 24 минг нафардан зиёд ҳамшираларининг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Бу эътироф бизни янги-янги чўққилар сари руҳлантирди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижроичларнинг ажойиб концерт дастури билан якунланди.

Ш. ХАЗРАТҚУЛОВА.

лар, педиатрия ва туғуруқ муассасаларида) аҳолига барча тиббий хизматлар бепул асосда кўрсатилади. Ушбу муассасаларда фақат сервис хизматлари пуллик асосда кўрсатилиши мумкин.

Алоҳида ягона структурага эга бўлган шошилиш тиббий ёрдам тизимининг барча бўғинларида, яъни учламчи бўғинга тегишли бўлган Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида, иккиламчи бўғин – РШТЎИМнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят филиалларида ва бирламчи бўғин – туман ва шаҳар марказий шифохоналарининг шошилиш тиббий ёрдам бўлимларида аҳолига барча тиббий хизматлар бепул асосда кўрсатилади. Ушбу муассасаларда фақат сервис хизматлари пуллик асосда кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 14 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилиши рухсат этилган қўшимча сервис хизмат турлари тасдиқланди. Ушбу рўйхат 30 дан ортиқ хизматлардан ташкил топган бўлиб, беморларнинг хоҳишига биноан пуллик асосда кўрсатилади. Масалан, фитобарлар, реабилитация ва соғломлаштириш бўлимлари, тиббий муассасаларида сервис палаталар, қўшимча қулайликлар шулар жумласидандир.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғига асосан пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи барча муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ҳудудий бошқармалар томонидан берилган махсус рухсатномаларга эга бўлиши белгиланган. Мазкур рухсатномада қандай ҳолларда ва қайси шасхларга пуллик тиббий хизмат кўрсатилиши акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни 5-моддаси-

га биноан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат тиббий муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солиш ваколатига асосан тиббий муассасалари томонидан ишлаб чиқилган тиббий хизматлар учун нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан келишилади.

Тиббий муассасаларига мурожат этаётган беморлар тиббий хизматлар учун тўловларни нақд пулда, пластик карточка орқали ёки пул ўтказиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Қонун билан белгиланган тартибга асосан пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда фуқаролар билан аввало хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилиши ва тўлов амалга оширилгач фуқароларга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилиши шарт.

Беморлар учун имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони билан ташкил этилган ихтисослаштирилган хирургия, урология, кўз микрохирургияси ва кардиология марказларида махсус йўлланмаларга (ордерларга) асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига болаликдан ногиронлар, фирт етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, ҳамда уларга тенглаштирилганлар, ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари, Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган шахслардан ногирон бўлганлари, Байналминалчи жангчилар, 15-17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирқ ёшидаги (18-27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган кам таъминланган оилалардаги шахсларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сонли «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари фаолиятини ташкил этиш маса-

ларини тўғрисида»ги қарори билан ташкил этилган Республика Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббий марказларида барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади.

Республика Ақушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича патологияли ҳомиладор аёлларга, 15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўринлар фонди ва марказ поликлиникаси даволаш қувватининг 20 фоизгача миқдоридан, Республика Эндокринология илмий-амалий тиббий марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича эндокрин касалликлардан азоб чекадиган беморларга мавжуд ўринлар фонди ва марказ поликлиникаси даволаш қувватининг 30 фоизгача миқдоридан бепул хизмат кўрсатилади.

Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология ҳамда Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббий марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифадаги 15 ёшгача бўлган болалар, фирт етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, болаликдан ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари, ёшига кўра ишламаётган пенсионерлар, Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган шахслардан ногирон бўлганлари, Байналминалчи жангчилар, 15-17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирқ ёшидаги (18-27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган кам таъминланган оилалардаги шахсларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади.

(Давоми кейинги сонда.)

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ: УНДА КИМ ҚАНДАЙ ИМТИЁЗГА ЭГА?

Абдували АГЗАМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази директори

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида бепул ва пуллик хиз- мат кўрсатишнинг меъёрий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни 8-моддасига асосан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади. Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг белгилангандан ортиқ тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиши қўшимча хизматлар бўлиб, аҳоли томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизими ни ислоҳ қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-2107 сонли Фармонида асосан давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматларнинг қуйидаги ҳажми аниқланди:

- шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
- аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф туғдирувчи сил, хавфли ўсма, ру-

ҳий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш;

- болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пуллик муассасалардан ташқари);
- 15-17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда чақирув комиссияларининг йўлланмалари билан чақириқ ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволаш;
- ҳомилдорларга тиббий хизмат кўрсатиш (пуллик муассасалардан ташқари);
- беморларнинг имтиёзли тоифаларига (ногиронлар, уруш фахрийлари, ғирт етимлар ва бошқалар) бепул тиббий хизмат кўрсатиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари 3 та бўғинга бўлиниб, уларда бепул ва пуллик тиббий хизматлар ҳажми фарқ қилади:

- бирламчи бўғин — қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктлари, туман тиббиёт бирлашмаси, шаҳар миқёсида оилавий поликлиникалар;
- иккиламчи бўғин — вилоят тиббиёт марказлари, шифохоналари, Тошкент шаҳрида — шаҳар шифохоналари;
- учламчи бўғин — республика тиббиёт марказлари, клиникалари, шифохоналари.

Бирламчи бўғин — қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ участка шифохоналари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибидаги марказий шифохона ва марказий кўп тармоқли поликлиника, шаҳар болалар ва катталар ҳамда оилавий поликлиникаларда аҳолига барча тиббий хизматлар бепул

асосда кўрсатилади. Ушбу муассасаларда фақат сервис хизматлари, туман ва шаҳар марказий шифохоналарида ташкил этилган тўлиқ ҳўжалик ҳисобидаги реабилитация бўлимларида ҳамда тиббий кўрик комиссияларида беморларнинг хоҳишига биноан пуллик хизмат кўрсатиш мумкин.

Иккиламчи бўғин — вилоят тиббиёт марказларида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумий профилдаги шифохоналарида ордер асосида белгиланган квотага биноан (50% гача) имтиёзли шахсларга бепул тиббий хизмат кўрсатилади, қолган ҳолларда пуллик тиббий хизмат кўрсатилади. Шу билан бирга, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида болалар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш муассасалари (онкологик, руҳий, сил, эндокринологик, юқумли касалликлар, тери-таносил, наркологик касалликлар, педиатрия ва акушерлик шифохоналарида) да аҳолига барча тиббий хизматлар бепул асосда кўрсатилади. Ушбу муассасаларда фақат сервис хизматлари пуллик асосда кўрсатилиши мумкин.

Учламчи бўғин — республика тиббиёт марказларида, клиникаларида ва шифохоналарида ордер асосида белгиланган квотага биноан (20% гача) имтиёзли аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатилади, қолган ҳолларда пуллик тиббий хизмат кўрсатилади. Шу билан бирга республика миқёсидаги болалар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш муассасаларида (онкологик, руҳий, сил, эндокринологик, тери-таносил, наркологик, касб, юқумли касаллик-

ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ ҲАМШИРАЛАР ЭЪТИБОРИДА

● **Барчамизга маълумки, Глобал фонд ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ОИВ касаллигига чалинишга мойиллиги юқори бўлган қатламларига қаратилган ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирлари кўламини кенгайтиришни давом эттириш ва ОИВнинг олдини олиш, таъхис қўйиш» лойиҳаси доирасида ОИВ инфекциясини олдини олишга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.**

● Бу лойиҳанинг асосий бўғинларидан бири «ОИВ инфекциясини юқтирган беморларга даволаш-профилактика муассасаси ва уй шароитида паллиатив ёрдам кўрсатиш ва парвариш қилиш бўйича патронаж ҳамшираларни ўқитиш» суб лойиҳаси бўлиб, бу йўналиш Ўзбекистон Республикаси Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида, биринчи босқич тарихида, Тошкентда суб лойиҳа доирасида 5 та пилот вилоят (Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд) ҳамширалари учун 3 кунлик семинар давомида 20 та худудий тренерлар тайёрланди.

Кейинги, иккинчи босқич, 22-25 октябрь кунлари пойтахтимизда, Тошкент вилоятининг ҳамширалари иштирокида ташкил этилди. Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган мақсад, патронаж ҳамшираларни замонавий таълим дастурлари асосида ўқитиб, ОИВ инфекциясини юқтирган беморларга уй шароитида ва даволаш-профилактика муассасаларида паллиатив ёрдам кўрсатиш, парваришни ўргатишдир.

Тадбирни Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази директори Насретдин Муродов кириш сўзи билан очиб, давлатимизда ОИВ касаллигига қарши курашиш, олдини олиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирлар ҳақида ва хасталанган беморларга паллиатив ёрдам бериш жараёни ҳам-



ширалардан катта масъулият, эътибор талаб этишини алоҳида таъкидлади.

Семинар-тренингни Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Акжигидова Наргиза, Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш вилоят маркази врач-эпидемиологи Шотмирова Ибодат, Ўзбекистон Республикаси Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази ўқитувчилари Эргашева Умида ҳамда Алимухамедова Лола каби тажрибали тренерлар ўтказишди. Улар тингловчиларга паллиатив ёрдам ва унинг тамойиллари тўғрисида кенг кўламда маълумот беришди. Семинар-тренинг давомида «ОИВ-инфекциясининг этиологияси ва эпидемиологияси», «ОИВ-инфекциясини юқтирган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш ва парвариш», «Беморларни симптоматик парваришлаш» каби мавзуларда тайёрланган қизиқарли тақдимотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институти илмий ходими Юлдашова Гулжаҳон:

Ўтказилган семинар-тренинг — бу олиб борилаётган тадбирларнинг 2-босқичи ҳисобланиб, ўқитилган тренинглари ўзларининг ўзлаштирган назарий ва амалий билим ва кўникмаларини худудлардаги ҳамкасб — ҳамшираларга тақдим этишади. Бу тренинг давомида суб лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган модель ҳамда ўқув-услубий қўлланма бўлган «ОИВ-инфекцияси бўйича назарий ва амалий асослар»дан фойдаланилди. Ушбу йилнинг якунига қадар лойиҳани амалга ошириш жараёнида 1000 та патронаж ҳамширани ўқитишни режалаштирганмиз.

Ҳар бир инсон ҳурмат ва эътиборга сазовор. Шундай экан, инсон дардга учраганда, ёрдамсиз ва эътиборсиз қолмаслиги ва бунда ҳамшираларнинг билим ва маҳоратли бўлишига атрофчи таътиб ўтилди. Шу билан бирга, паллиатив ёрдам кўрсатувчи ҳамширалар беморга маънавий ва руҳий ёрдам кўрсатиш, унинг турмуш тарзини фаоллаштириш, умрининг охиргача уни қўллаб-қувватлаш бевосита оила аъзолари билан боғлиқ эканлигини тушунтириш масъулиятини биз ҳамширалар дилдан ҳис этишимиз ва ўргатишимиз зарурлигини англадик. Бизнинг бу борадаги билимимизни янада бойишига хизмат қилган ушбу семинар-тренинг ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Зангиота тумани «Қизғалдоқ» қишлоқ врачлик пунктининг патронаж ҳамшираси Малохат Рустамова сўхбатимиз чоғида.

ОИВ инфекцияси ҳақидаги билимларини тўла мустаҳкамлаган тингловчиларнинг барчасига семинар якунида сертификат топширилди.

Моҳинур ҲАСАНОВА.

НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

● *Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари нафақат соғлиқни сақлаш, балки ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари диққат марказидаги устувор вазифага айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жамиятимизнинг келгуси равнақи, инсоният тараққиёти ана шу масала билан узвий боғлиқдир. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда она ва бола саломатлигини асраш вазифаси ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланди ва бу тадбирлар узвий равишда изчил давом эттирилмоқда.*

● Бу борада давлат дастурларида белгиланган муҳим йўналишлар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши натижасида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш тизими тубдан такомиллашмоқда ва кўплаб замонавий йўналишлар шакллантириляпти. Болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ана шундай ўзига хос йўналишлардан биридир.

Ҳозирги кунда дунё амалиётида болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишида махсус шифохоналар, госпиталлар, илмий марказлар фаолият юритмоқда. Тиббиётнинг ушбу соҳаси мамлакатимизда ҳам жаҳон андозаларига мос равишда изчил ривожланмоқда. Болаларга юксак технологиялар асосида, далилларга асосланган соғлиқни сақлаш тамойиллари бўйича тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукамал тизими шаклланган. Юртимизда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда бу

йўналишда кенг қамровли тиббий-профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури асосида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда изчил иш олиб бораётгир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» ги фармони асосида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкил этилиши бу жабҳадаги илмий-амалий ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим асос бўлди.

Ҳозирги кунда мазкур марказда олтмиш нафардан зиёд олимлар ва ёш тадқиқотчилар ана шу йўналишдаги долзарб вазифаларни амалга татбиқ этиш юзасидан фаол илмий-амалий иш олиб бормоқда. Натижада кейинги йилларда болалар ўртасида учрайдиган

бир қатор касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари яратилди. Жумладан, ўпка ва нафас йўллари касалликлари, энтерал етишмовчиликда ҳужайрада рўй берадиган бузилишлар, онадан болага ОИТС юқишининг олдини олиш, вазни кам чақалоқларни соғломлаштиришнинг оптимал услублари, сепсис билан туғилган болаларга бирламчи стационар тиббий ёрдам кўрсатишнинг такомиллашган тиббий-ташқилий чора-тадбирлари шулар жумласидандир.

Илмий изланишларни юқори савияда ташкил этишда замонавий таҳлил ускуналари билан жиҳозланган лабораторияда яратилган шароитлар муҳим омил бўлаётгир. Замонавий иммунофермент аппаратлари эса юқори аниқликда ташхис қўйиш, организмдаги гормонал жараёнларни чуқур кузатиш, касалликни эрта босқичларда аниқлаш услубларини такомиллаштиришга имкон яратмоқда.

Марказ нафақат илм-фан, балки даволаш маскани ҳамдир. Бу ерда 275 ўринли клиника ҳам фаолият юритмоқда. Ушбу шифо масканида болаларга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилганлиги ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни аҳолига янада яқинлаштириш ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини юксалтиришга имкон бермоқда. Етакчи олимлар ва мутахассислар вилоятлар

- навбатчиликдагидаги тиббиёт ҳамшираларнинг ётоқ режимидаги оғир беморларни овқатлантириш бўйича олиб бораётган ишларини назорат қилади.

Шифокор-диетолог

Шифокор-диетологнинг битта штат бирлиги касалхоналарда катталар учун 500 дан ортиқ ўрин бўлганда белгиланади. Агар ўринлар сони 300 дан 500 гача бўлса, 0,5 ставка кўзда тутилган. Болалар касалхоналарида ўринлар сони 200 дан ортиқ бўлганда шифокор-диетолог штати киритилади, ўринлар сони 100 дан 200 гача бўлса, 0,5 ставка белгиланади.

Ушбу лавозимга тиббиёт олий ўқув юртининг даволаш, педиатрия, санитар-гигиена факультетларини битирган, 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига ва ДПМда даволовчи овқатланишни ташкил этиш, парҳез терапия ва парҳез таомларни тайёрлаш технологияси бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган шифокор тайинланади. У ДПМнинг барча бўлимларида даволовчи овқатланишни тўғри ташкил этиш ва оқилона қўллаш учун масъулдир.

Мажбуриятлари:

- ДПМ озиқ-овқат блокнинг йиллик иш режа ва ҳисоботларини тузиш;
- муассасада қўлланиладиган барча парҳезлар бўйича йилнинг қиш ва ёз мавсумлари учун 7 кунлик намунавий менюни тузиш;
- таомлар картотекасини ва овқатланиш рационларини тузиш;
- даволовчи овқатланиш масалалари бўйича бўлим шифокорлари ҳамда беморларга маслаҳат бериш;
- даволовчи шифокорлар томонидан беморларга парҳезларни тўғри тайинланишини таъминлаш;
- даволовчи овқатланиш самардорлигини таҳлил қилиш ва бу ҳақида ДПМнинг Тиббий кенгаши йиғилишларида ахборот бериш;
- меню-раскладка тузилишини назорат қилиш, парҳез ва даво-

лаш таомларини тайёрлаш технологиясига риоя этилиши, уларнинг сифати устидан назорат ўрнатиш, ҳар ўн кунликда даволаш муассасасида қўлланиладиган оммавий парҳезларнинг ва танланма асосида бошқа парҳезларнинг кунлик рационининг кимёвий таркиби ва энергетик қийматини ҳисоблаб чиқиш;

- бир ёшгача болалар табиий, аралаш ва сунъий овқатлантирилганда уларга овқатланишнинг тўғри тайинланишини таъминлаш;

- бир ёшгача бўлган болалар касаллик тарихида овқатланиш варақалари тўғри юритилишини, овқатланиш тартибига тузатишлар киритилишини назорат қилиш;

- беморларга овқатланишни тайинлаш бўйича белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлаш, бўлим мудири билан беморга қариндошлар томонидан олиб келинадиган маҳсулотлар рўйхати ва миқдорини турли парҳезларга асосан белгилаш;

- беморларга қўшимча ва якка тартибда овқатлар берилишини назорат қилиш;

- турли даволовчи парҳез (зондли парҳез, хирургик парҳезлар, буйрак касалликлари, қандли диабет, ферментопатиялардаги парҳезлар)лар учун махсус парҳез маҳсулотларига, жумладан — болаларнинг овқатланиш маҳсулотларига эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиш;

- турли даволовчи парҳезлар (жумладан, болаларга) учун сутқатик маҳсулотларига эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиш;

- озиқ-овқат блокнинг ишини, унда санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши меъёр ва қоидаларнинг риоя қилинишини, озиқ-овқат блокада ўрнатилган технологик ва санитар-техник ускуналарнинг ҳолатини назорат қилиш;

- ДПМда овқатдан заҳарланишни олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлар сифатини ва тез бузилув-

чан маҳсулотларнинг сақлаш муддатларини текшириш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини қишга тайёрлашни назорат қилиш;

- касалхона ходим (навбатчи хирург, реаниматорлар бригадалари ва ҳ.к.)ларини муассасанинг ривожлантириш фонди ҳисобидан овқатлантиришни ташкил қилишда касалхона маъмуриятига ёрдам кўрсатиш;

- тиббиёт ходимлари ва озиқ-овқат блоки ходимларининг парҳез ва даволовчи овқатланиш бўйича билимларини мунтазам ошириб боришларини ташкил қилиш;

- ДПМ беморлари ва ходимлари ўртасида оқилона ва даволовчи овқатланишни тарғибот қилиш бўйича фаол санитар-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- зарур тиббий ва ҳисоб ҳужжатларини тасдиқланган шаклларда юритиш.

Ҳуқуқлари:

- касалхона бўлимларида тайёр таомлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига шубҳа бўлса, уларни тарқатишга йўл қўймаслик;

- қўл панжаларида йирингли касалликлар (панариций, карбункул, фурункул) бўлган, дастлабки ва профилактик тиббий кўриклардан ўтмаган ошпазларни, инфекция беморлар билан алоқада бўлган ошпазларни, бемор ошпаз (ангина, назофарингит ва ҳ.к.)ларни ишдан четлатиш;

- ихтисослашиш ва малака ошириш курсларида мунтазам ўз малакасини ошириш;

- касалхона маъмуриятига ошхона ходимларининг меҳнатини рационаллаштириш, беморлар овқатланиши режимини ташкил қилиш, озиқ-овқат блокни замонавий ошхона-технологик жиҳозлар ва инвентарь билан таъминлаш ҳамда парҳез таомларни тайёрлаш соҳасидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланиб даволовчи овқатланишни ташкил қилишни яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.



ДАВОЛОВЧИ ОВҚАТЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

В.И. НЕСТЕРЕНКО, *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика даволовчи овқатланиш маркази мудири, даволовчи овқатланиш бўйича бош мутахассис*

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

● Овқатланиш блокада тайёр овқатни бўлинмаларга юборишдан олдин текшириш, меню-раскладкада кўрсатилган таомлар рўйхатига мувофиқ, бевосита қозондан амалга оширилади.

Биринчи таомлар ҳажми идишнинг ёки қозоннинг сифими ҳамда буюртма берилган порциялар сони ва битта порция ҳажмига асосан аниқланади. Иккинчи таомлар (бўтқа, пудинглар ва ҳ.к.) вазни бутун миқдорни умумий идишда тортиш ва ундан идиш оғирлигини чегириш йўли билан, порциялар сонини ҳисобга олиб аниқланади. Порцияли таомлар (котлетлар, гўшт бўлақлари, парранда гўшти ва ҳ.к.) ўнта порция миқдоридан тортилади ва битта порциянинг ўртача вазни аниқланади. Вазнинг нормадан оғиши 3 фоиздан ошмаслиги керак.

Овқатни тотиб кўриш натижаларини навбатчи шифокор тайёр овқатлар журнаliga ёзиб қўяди.

Лаборатория таҳлиллари

Лаборатория текширувлари учун тайёр таомлар ва қандолатчилик маҳсулотларини танлаб олиш (уларнинг кимёвий таркиби ва энергетик қувватини аниқлаш мақсадида), ДСЭНМ идоралари томонидан режа асосида амалга оширилади ва буфет, ошхоналарда шифокор-диетолог ёки пархез ҳамшираси ҳозирлигида олиб борилиши, бунда қозондан меню-раскладкада кўрсатилган вазн бўйича албатта назорат учун намуна олиниши лозим.

Саноат маҳсулотларидан тайёрланган, масалан колбаса, пишлоқ, сосискалар ва ҳ.к., шунингдек, парранда гўшти бўлаги, су-

якли қўй гўшти каби таомлар таҳлил учун танлаб олинмайди.

Таҳлилга у ёки бу пархезнинг айрим таомлари ёки тўлиқ тушлик (нонуста, кечки овқат) юборилади, бунда ушбу мақсадлар учун ўртача вазли порциялар танланади. Назорат учун таомлар бевосита қозондан меню-раскладкада кўрсатилган вазн бўйича олинади.

Лаборатория таҳлиллари ўтказилаётганда иссиқлик билан турли хил ишлов берилгандаги йўқотишлар ҳисобга олиниши керак.

Таҳлил учун тайёр таомларни танлаб олиш намуна олиш далолатномаси билан расмийлаштирилади, танлаб олинган намуналар санитар шифокор (ёки санитар шифокор ёрдамчиси) томонидан мугузли муҳр билан муҳрланади ва ДСЭНМ лабораториясига юборилади.

Даволаш-профилактика муассасаси маъмуриятининг асосий мажбуриятлари

ДПМ маъмуриятининг даволовчи овқатланишни ташкил қилиш масалалари бўйича асосий мажбуриятлари:

Директор (бош шифокор)нинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари:

- беморларни овқатлантиришга ажратилдиган пул маблағларини режалаштириш ва мақсадли сарфлаш бўйича ишларни амалга оширади;

- овқатланиш блоки ва озиқ-овқат омбори ходимлари штатини жамлашни таъминлайди;

- овқатланиш блокадаги ошхона-технологик ускуналарининг

узлуксиз ишлашини таъминлайди;

- овқатланиш блокни зарур ювувчи, дезинфекцияловчи воситалар ва санитар инвентарь билан таъминлайди;

- ДПМни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланишини ҳамда уларни озиқ-овқат омборида сақлаш шароитларига риоя этилишини таъминлайди;

- буфет, овқат тарқатиш жойи ва ошхоналарни тегишли инвентарь ҳамда жиҳоз, ошхона идишлари билан таъминлайди.

Бўлим мудири:

- овқатнинг сифати ва миқдорини текширади;

- бўлимда беморларни овқатлантириш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

- беморларга даволовчи овқатланишнинг тўғри тайинланишини назорат қилади;

- эҳтиёжманд беморларга якка тартибда, қўшимча овқатланишни тайинлайди (беморлар умумий сонининг 4 фоизи атрофида);

- беморнинг қариндошларидан озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилинишини назорат қилади;

- беморларнинг овқатланиши учун барча шароитларни яратади.

Бўлимнинг катта ҳамшираси:

- ҳар куни умумий буюртма «Бўлим беморлари овқатланиши учун порционник» тузади;

- овқатнинг сифати ва миқдорини текширади;

- овқат тарқатувчи аёлнинг ишини назорат қилади;

- овқатланиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- ошхонада санитария ҳолатига риоя этилишини назорат қилади;

даги ушбу филиалларга илмий-амалий, услубий жиҳатдан доимий қўмак бермоқдалар. Соҳада фаолият юритаётган шифокорларнинг малакасини ошириш, янги технологияларни кенг татбиқ этиш мақсадида мунтазам илмий-амалий анжуманлар, ўқув-услубий семинарлар ташкил этилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ана шундай ўзига хос илмий-амалий тадбирлар билан бир қаторда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг замонавий илғор технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, репродуктив саломатликни асраш, самарали перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси, кўкрак сути билан боқишни тарғиб этиш, болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш, болаларнинг ўсиш-ривожланишини мониторинг қилиш каби қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

— Бугун жаҳон миқёсида кенг қўлланилаётган касалликларни интеграллашган усулда даволаш услуби камхаржлиги ва беморга тез тиббий ёрдам кўрсатишга асослангани педиатриянинг кўплаб долзарб муаммоларини ечимини топиш, болаларнинг саломатлигини асрашда юксак натижалар бераётди, — дейди марказ директор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Камола Солиқова. — Бу услуб ёрдамида касаллик эрта босқичларда аниқланади ва ривожланишининг олди олинади. Мамлакатимизда ҳаётга кенг татбиқ этилаётган ана шундай лой-

иҳалар самарасида болалар ўртасида учрайдиган кўпгина касалликларнинг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашиш, чақалоқлар ўлимни кескин камайтириш, болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилашга эришдик.

Тиббиётнинг барча йўналиши каби педиатрияда ҳам ҳамширалик парвариши муҳим ўрин эгаллайди. Марказнинг клиникасида қарийб 350 нафар ҳамшира беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг саксон фоизи олий тоифага эга. Бу ердаги врачлар қатори ҳамширалар ҳам болаларни интеграллашган усулда даволаш, кўкрак сути билан озиқлантириш каби замонавий тиббий тамойиллар бўйича малака оширган ва бу жараёнда орттирган тажрибасидан амалда кенг фойдаланмоқда.

— Бугунги ўрта тиббиёт ходими врач кўрсатмаларини бажарувчигина эмас, беморга тиббий хизмат кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган малакали мутахассисга айланди, — дейди Марказ бош ҳамшираси Гулжаҳон Абдуллаева. — Зеро, ҳамшира бемор билан кўпроқ мулоқот қилади ва ундаги жисмоний-руҳий ҳолатларни мунтазам кузатади. Шу боис, ҳамширанинг кузатуви натижасида олинган хулосалар ҳам бемор саломатлигини тиклашда муҳим ўрин тутаяди. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, марказда ҳамширалик жараёнини юритиш йўлга қўйилган. Бу жараёнда ҳамшира беморнинг аҳволини узлуксиз кузатади ва мавжуд ҳолатдан

келиб чиқиб ҳамшира ташхисини қўя олади. Ҳамшираларнинг ушбу фаолияти катта ҳамширалар ва малакали врачлар томонидан баҳолаб борилади. Бу тадбирлар беморларга ҳамширалик парвариши кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Марказда ҳамширалик ишини юритиш ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини янада ошириш мақсадида доимий семинар-тренинглари, тажриба алмашиш юзасидан давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилади. Юртимизнинг турли вилоятларидан келиб бундай тадбирларда иштирок этган ҳамширалар бой таассуротлар билан иш жойига қайтади.

Бу ишларни янада кенгайтириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига муносиб улуш қўшиш мақсадида марказда коллеж талабалари ва ҳамширалар учун «устоз-шоғирд хонаси» ташкил этилган ва зарур ўқув-амалиёт воситалари билан жиҳозланган.

Ҳозиргача марказнинг маъмурий мажмуаси ва маслаҳат-ташхис поликлиникаси биноси бутунлай янгидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундай замонавий шароитлар оналар ва болаларга юқори савияда, жаҳон тиббиётининг янги тамойиллари асосида тиббий маслаҳат ёрдами кўрсатиш имкониятини кенгайтириб, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА.



ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ – ТИББИЁТНИНГ НОЁБ МОДЕЛИ

● *Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида юртимизнинг олис қишлоқларида уч мингдан зиёд замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қад ростлади. Ушбу шифо масканларининг фаолияти йилдан-йилга такомиллашайтигани боис аҳоли ўртасида тиббий-профилактика ишлари тобора ривожланиб бораётир. Бу жиҳатларни эрта аниқлаш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда ўз самараларини бермоқда. Жиззах вилоятининг Жиззах туманида жойлашган «Ховослик» қишлоқ врачлик пункти ана шундай замонавий шифо масканларидан биридир.*

- Қишлоғимиз шифохонасида яратилган шарт-шароитлар шарҳарниқидан асло қолишмайди, — дейди Жиззах туманидаги «Ховослик» қишлоқ врачлик пунктида даволанаётган Равшан Мусулмонкулов. — Шифохона замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Даволаш ва ётиш хоналари шинам. Шифокорларнинг қўли энгил.

Бундай фикрларни қишлоқ врачлик пунктига келган бошқа беморлардан ҳам эшитиш мумкин. Рўйхатга олиш дафтарида иш куни бошланганидан кейинги ўтган бир соат ичида ўн бир киши шифокорлар ҳузурига йўллангани қайд этилди.

— Бир соат ичида ўн бир киши келиши 50 қатновли қишлоқ шифохонаси учун кўп эмасми? — деб сўраймиз ҚВП мудирдан.

— Кўп эмас, — дея таъкидладилар мазкур қишлоқ врачлик пункти мудир Фарҳод Мажидов. — Кўпчилик эрталаб келиб-кетди. Куннинг иккинчи ярмида асосан даволанаётганлар келади.

— Демак, тушликдан сўнг иш камаяр экан-да.

— Аксинча, — дейди Фарҳод Мажидов эътиборимизни хона деворига осилган муассасанинг «Иш режаси»га қаратиб, — иш вақтимизнинг асосий қисмида хонадонларга чиқамиз. Худудимиздаги хонадонлар сонидан келиб чиқиб, пунктимиз 50 қатновга мўлжалланган бўлса-да, одамлар бизнинг

эмас, биз уларнинг қабулига кўпроқ борамиз. Шифокорларимиз қанча кўп хонадонда бўлса, самара шунча юқори бўлади. Бу кўп йиллик тажрибамиздан маълум.

Фарҳод Мажидов — ўттиз олти йиллик иш тажрибасига эга олий тоифали шифокор. У билан бирга меҳнат қилаётган Хайрулла Аброворов ҳам катта тажрибага эга олий тоифали умумамалиёт шифокори. Муассасадаги 12 нафар ҳамширанинг кўпчилиги катта тажрибага эга. Қишлоқ аҳлининг ўз шифохоналарини афзал кўришларининг сабабларидан бири — шифокорларнинг билимли, малакали, жонкуярлигида.

Иккита қишлоқдаги 10 минг 457 нафар аҳолига хизмат қилаётган «Ховослик» қишлоқ врачлик пункти 2001 йилда янги бинода иш бошлаган эди. Тиббий меъёрлар ва бугунги кун талаблари асосида қурилган муассаса ўзининг иситиш тизимига эга. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан замонавий тиббий аппаратлар ва барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида ҚВПларда жуда катта ишлар амалга оширилди, — дейди меҳнат фахрийси Карим Соатов. — Туман марказига яқин, Жиззах шаҳрига туташ худудда яшасак-да, қишлоғимиздан марказий шифо-

хоналарга борувчилар кам. Бунга ҳожат йўқ. ҚВПда даволаниш ҳар томонлама қулай. Давлатимизнинг қишлоқ аҳолисига кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли бу ерда ҳам марказдан қолишмайдиган шароит яратилган.

Тўғри, ҳозир деярли барча қишлоқ врачлик пунктлари замонавий биноларга, етарли асбоб-ускуна ва жиҳозларга эга. Бироқ намунали хизмат кўрсатиб, одамларга манзур бўлиш учун бу имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳам керак. Ишнинг натижаси эса худуддаги одамларнинг саломатлик даражаси билан ўлчанади.

Ушбу ҚВП хизмат кўрсатадиган худуддаги 1 минг 623 хонадонда 2 минг 800 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 3 минг 415 нафар 14 ёшгача бўлган болалар яшайди. Ўтган йили аёлларнинг 96 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Болалар тўлиқ тиббий назоратга олиниб, саломатликлари кузатиб борилмоқда. Турли хасталиклари аниқланган аёллар тўлиқ соғломлаштирилди. Барча зарур профилактик тадбирлар, даволаш ишлари намунали йўлга қўйилгани учун оналар ва болалар ўлими рўй бермади, турли касалликлар кўрсаткичи йил сайин камайиб бораётир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда яхши натижаларга эришилаётганлигининг асосий сабабларидан бири қишлоқ шифохонаси ходимлари худудда яшовчи аҳолининг саломатлигини доимий назорат қилиб бораётганидир. Режали тиббий кўриклардан ташқари, ҚВПнинг ҳар бир тиббиёт ходими ўзига бириктирилган оилаларнинг саломатлиги учун шахсий жавобгарлигини ҳис этиб ишлаётир.

— Давлатимиз раҳбари томонидан баркамол авлодни вояга ет-

ШИФОХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯСИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШДА СТЕРИЛИЗАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдулло САГДУЛЛАЕВ,

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази

● Хирургик ёки шифохона ичи инфекцияси доимо мутахассислар эътиборини жалб этиб келган. Айниқса, хирургик операциялардан кейинги йирингли-яллиланган асоратлар 3 % дан 27 %ни ташкил қилиши соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган кўп йиллик кузатишлар натижасида аниқланган. Шифохона ичи инфекциясини даволаш профилактика муассасаларида (ДПМ) тарқалишини мамлакатимиз ва чет эл мутахассислари тиббий асбоб-анжомлардан кўп маротаба (такроран) фойдаланиш оқибатида юзага келади деб билишади. Бундай ҳолларда терининг бутунлиги бузилган яъни жароҳатланган жойга стерилизация қилинмаган асбоб ва боғлов анжомларидан фойдаланиб, тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида экзоген инфицирланиш юзага келишига шароит яратиб берилади.

Шифохона ичи ёки госпиталь, назокоминал инфекция — бу беморнинг стационар ёки амбулатор шароитида даволаниш учун мурожаат қилган даврда ДПМ да микроб, вирус, паразитлар келиб чиқиш характеридаги кўзгатувчилар билан зарарланиши оқибатида юзага келадиган жараёнлар. Ҳозирги кунда ДПМ ларда шифохона ичи инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган 3 та асосий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- тиббий муолажаларни амалга ошираётган вақтда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва «тоза қўллар» қоидасига қатъий риоя этиш;

- инвазив тиббий техника ва аппаратуралардан фойдаланиш ҳолатларини назорат қилиш;

- антибиотик, антисептик ва дезинфектантлардан фойдаланиш жараёнларини назорат қилиш.

Стерилизация — бу асептиканинг асоси ҳисобланади. Жароҳатланган тери қатлами, беморнинг қони ёки организмга юборилаётган инъекцион препаратлар ҳамда фойдаланиш жараёнларида шиллиқ қаватлар билан бевосита контактда бўладиган барча асбоб, боғлов материаллари стерилизация қилиниши талаб этилади.

Кейинги йилларда тиббиёт амалаётига замонавий тиббий технологияларнинг кириб келиши, мураккаб аппаратура ҳамда тиббий ускуналардан фойдаланиш натижасида, уларни кафолатли зарарсизлантириш ва стерилизация қилиш масаласи юзага келди.

Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, марказий стерилизация бўлимларида (МСБ) самарали иш ташкил этиш учун хоналарни туғри жойлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда 1980 йилда соҳа мутахассислари томонидан бир хил шаклдаги (типовой) МСБни ташкиллаштиришда мавжуд хоналарни уч қисмга ажратиш таклиф этилди:

- ифлос, яъни тиббий асбоб-анжомларни қабул қилиш, саралаш ва стерилизация олди тозалаш ишларини амалга ошириш;

- тоза, зарарсизлантирилган тиббий жиҳозлар, боғлов материаллари биксларга жойлаштириб, стерилизацияга тайёрлаш;

- стерилизация қилиш.

МСБларда хоналарни бундай қисмларга ажратиш стерилизация қилинган тиббий асбоб-анжом ва боғлов материалларини агроф-муҳитдаги мавжуд микроблар билан

зарарланишини минимум даражача камайтиради, стерилизация олди тозаловидан ўтказилган буюмларни қайта контаминацияланган имконини камайтиради, стерилизация қилинган ҳамда стерил бўлмаган буюм ва материалларни ташиш жараёнларида ўзаро кесилуви истисно қилади.

Стерилизациянинг ишончлилиги аввало стерилизация олди тозалаш жараёнларига боғлиқдир. Стерилизация олди тозалаш иши асосан қўлда амалга оширилиб, МСБда ишлайдиган ходимлардан машаққатли ва самарали меҳнат талаб этилади. Шунинг учун МСБда стерилизация олди тозалаш ишларини амалга ошириш мақсадида зарур янги ювиш воситалари билан таъминлаш, асбоб-ускуна билан жиҳозлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Тиббий асбоб-анжом ва буюмларни стерилизация олди тозалаш ишларини боғлов хоналари, операция блоклари ва бўлимларнинг ўзида амалга ошириш қатъиян ман этилади. Стерилизация олди тозалаш ишларининг сифати азопирам, амидопирин (қон ва биологик суюқлик қолдигини аниқлаш) ва фенолфта-леин синамаларини қўйиш орқали аниқланади.

Операциядан кейинги йирингли-яллиғланиш асоратлари муаммосини ижобий ҳал этиш мақсадида ДПМларда амалиётга замонавий жиҳозланган стерилизация марказлари иш тажрибасини жорий этиш, стерилизация тадбирлари сифатини янада оширишга, стерилизация кафолатини таъминлашга ҳамда шифохона ичи инфекцияси сонини камайитиришга имкон беради.

ПАРОДОНТИТ

*С.И. АЛИМОВ, доцент,
Р.С. ДЖАФАРОВА, олий тоифали врач-стоматолог*

● Пародонтит — пародонтнинг сурункали яллиғланиш-деструктив касаллиги ҳисобланади. Пародонт деганда тишнинг атрофини ўраб турадиган ва уни ўз чуқурчасида ушлаб турадиган тўқималар назарда тутилади. Бу тўқималар милклар, чуқурчани ҳосил қиладиган жағ суяклар, қўшувчи тўқималар, боғламлар ва тиш илдизининг цементидан иборат. Қўпинча пародонтит оғиз бўшлиғи яхши парвариш қилинмаганда, тишлар устида кир тўпланиб, кейинчалик тиш тошларига айланганида юзага келади.

Қаттиқ тошлар овқатни чайнаш вақтида милкларни механик равишда шикастлайди ва милклар остида инфекция ривожланади. Шу иккита омил милкларнинг яллиғланишига ва қон айланишининг бузилишига олиб келади, натижада пародонт тўқималарнинг кислород ва зарурий озуқа моддалари билан таъминланиши бузилади. Вақт ўтиши билан милкнинг чети емирилади ва тишмилк чўнтак (тиш ва милк орасидаги чуқурча)лари пайдо бўлади, у ерда овқат қолдиқлари тўпланиб қолади. Натижада милк ва тиш орасида инфекция тарқалади, бу инфекция тиш илдизини суяк билан боғлаб турувчи боғламларни ва тиш илдизлари орасидаги юпқа суяк тўсиқларини емиради.

Пародонтит пайдо бўлишининг яна бошқа сабаблари ҳам бор. Масалан, ўз вақтида даволанмаган кариес, тишларни барвақт йўқотиш ва тиш протезлари қўйдирмаслик (бу ҳолда ортиқча чайнаб босими қолган тишлар устига тушади, бу эса нохуш асоратларга олиб келади).

Лекин бу касаллик тепа ва пастки жағида ҳамма тишлари бўлган одамларда ҳам, ҳатто оғиз

бўшлигини тўғри парвариш қиладиган одамларда ҳам учрайди.

Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар

Организмнинг умумий касалликлари, узоқ давом этадиган руҳий азоблар, инфекция касалликлари, иммунитетнинг пасайиб кетиши, тепа жағ ва пастки жағ тишларининг нотўғри ўзаро жойланиши, ҳар хил дори-дармонларни суистеъмол қилиш, нотўғри қўйилган пломба ва коронкалар таъсирида милкнинг шикастланиши.

Симптомлари

Энг аввал тиш тозалаётганда милклар қонайди. Бемор милклардаги қичиш ва нохуш сезги-ларга, оғиздан ёқимсиз хидлар пайдо бўлганига шикаят қилиши мумкин. Ҳар қандай сурункали касалликда бўлганидек пародонтит вақти-вақти билан ўткирлашади, кейин яхшиланади, йиллар ўтган сари оғирлашиб бораверади. Касалликнинг бошланишида симптомлар яхши ифодаланмаган бўлгани ва беморни ортиқча безовта қилмагани учун, кўпчилик одамлар уларга эътибор бермайдилар ва шифокорга мурожаат қилмайдилар.

Пародонтитнинг оғир кечаётганда қуйидаги симптомлари намоён бўлади:

- нохуш сезгилар очиқ-ойдин оғриққа айланади, милкдан қон оқиши жуда кичик таъсир остида ҳам пайдо бўлади. Милкнинг чети чўқади ва тишнинг эмаль билан қопланмаган қисми — бўйни очиқлиб қолади. Иссиқ ва совуқ овқат истеъмол қиладиганда тишларнинг сезувчанлиги ошади. Касаллик ўткирлашган даврида беморлар милкларидан йиринг чиқаётганига, тишлар ва милклар оғриётганига

нига шикаят қиладилар. Милкларнинг ранги ўзгаради, уларнинг устида кир пайдо бўлади.

Ўз вақтида даволаш бошланмаса, тишлар қимирлай бошлайдилар, шу сабабдан улардан ажралиб қолиш мумкин.

Даволаш

Мутахассисга ўз вақтида мурожаат қилинса, оғиз бўшлиғи тўғри парвариш қилинса, пародонтит ривожланишини бутунлай тўхтатиб бўлмаса ҳам, бир неча ўн йилликларга секинлатиш мумкин. Ҳатто касалликнинг оғир босқичида ҳам даволашнинг замонавий усуллари зўрайиш ҳолатини тўхтатишга ва пародонт тўқималарини яхши ҳолатда сақлаб туришга имкон беради.

Касалликни асосий даволаш тадбири — тишларнинг устидаги ва милкларнинг остидаги (улар беморга кўринмайди) тиш тошларини олиб ташлаш ва тиш устидаги кирларни тозалаш. Шундан кейин тиш-милк чўнтаклари антисептик эритмалар билан ювилади ва у ерга яллиғланишга қарши воситалар қўйилади. Касаллик зўрайган пайтда физиотерапевтик муолажалар — электрофорез, магнито-лазер терапия яхши ёрдам беради. Улар ёрдамида яллиғланишни йўқотиш ва милкларда қон айланишни яхшилаш мумкин. Оғир ҳолатларда хирург-стоматологлар тиш-милк чўнтакларидаги йирингни ва инфекция таъсирида касалланган пародонтитнинг қаттиқ ва юмшоқ тўқималарни тозалаб ташлайдилар. Агар тишни сақлаб қолишнинг иложи бўлмаса, уни олиб ташлайдилар. Ортопед-стоматологлар қимирлаб қолган тиш гуруҳларини шиналайдилар, мос келадиган протез ясаб берадилар.

(Давоми кейинги сонда.)

казиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишга катта эътибор берилётгани натижасида аҳолининг репродуктив саломатлиги йил сайин яхшиланиб бормоқда, — дейди ҳамшира Матлуба Абдуғафорова. — Қишлоқ аҳолиси учун шаҳардан кам бўлмаган тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Бу эътиборни биз, қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари ҳар кунги фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз.

Тиббиёт муассасаси вакиллари аҳоли орасида бўлиб, оилада соғлом турмуш тарзининг қарор топиши она ва бола соғлом бўлишининг асосий шартини эканини одамларга тушунтирмоқда. Суҳбатларда оилада тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш масалаларига асосий эътибор берилётган. Маҳаллаларда, хонадонларда, хотин-қизлар билан ўтказилаётган суҳбатларда оиланинг бахти соғлом фарзанд кўриши ва уни баркамол қилиб

вояга етказишда экани тушунтирилатгани ўз самарасини бермоқда.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш фақат тиббий хизматга боғлиқ эмаслиги ҳаммага маълум. Бу ҳар бир оиланинг соғлом бўлишига, турмуш маданиятига ҳам боғлиқ. Шунинг учун қишлоқларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича маърифий-тарғибот ишлари янада кучайтирилмоқда.

*Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
журналист.*

ҲАМШИРА — СПОРТ ЭЛЧИСИ

● *Ҳозирда бутун Республикада бўлганидек, бизнинг вилоятимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳамширалар ҳам тиббиёт тизимидаги ислохотларга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Вилоятимиздаги 16 мингга яқин ҳамшираларимиз ўзлари хизмат қиладиган бўлимларда, узоқ-узоқ қишлоқ врачлик пунктларида халқимизнинг саломатлигини мустақамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида фаолият олиб борадилар.*

● Табиийки, бугун юртимизда тиббий-ижтимоий жабҳадаги ислохотларда касалликни даволаш эмас, унинг олдини олиш, оила-ларда тиббий маданиятни ошириш устувор вазифа этиб белгиланди. Бу борадаги вазифаларни бажаришда оммавий спортнинг ўрни беқиёсдир. Биз аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш жараёнида уларга доимий равишда жисмоний фаол бўлишни, спорт билан мунтазам шуғулланишни тавсия этамиз.

Тарғибот ишида оғзаки маърузадан кўра, ҳаётини тамойиллар таъсирчанроқ бўлади. Шунинг эътиборга олиб вилоятимиз ҳамшира қизлари ўртасида «Ҳамшира — спорт элчиси» шиори остида спорт тадбирлари ўтказмоқдамиз. Урганч тиббиёт коллежининг спорт залида ўтган ана шундай тадбирда иштирокчилар ўн битта

гуруҳга бўлиниб, спортнинг шашка, стол тенниси, 100 метрга югуриш ва арқон тортиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбирда шашка мусобақасида Боғот туман тиббиёт бирлашмаси (ТТБ) ҳамшираси Умида Саъдуллаева биринчи, Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Дилором Ўринова иккинчи, Хива ТТБ ҳамшираси Фароғат Абдуллаева учинчи ўринга сазовор бўлди.

100 метрга югуриш мусобақасида Қўшқўпир ТТБ ҳамшираси Махбира Зарипова, Урганч шаҳар ТТБ ҳамшираси Саодат Аvezова, Боғот туман ТТБ тиббий биродари Аллаберган Каримовлар ғолиб деб топилди.

Тадбирда стол тенниси, арқон тортиш мусобақаларининг ҳам ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Спорт мусобақалари якунига кўра, умумжамоа ҳисобида ғолиблик Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшира қизларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга Урганч шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳамширалар ассоциацияси Хоразм бўлими томонидан фахрий ёрлиқ билан бирга қимматбаҳо совғалар топширилди.

*Роза АЛЛАЯРОВА,
Хоразм Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси.*

Донлар бисотидан

Ҳеч нарса узоқ вақт давомида жисмоний ҳаракат қилмасликдек киши мадорини қуритмайди ва уни маҳв этмайди.

Арасту

Соғлом танда соғлом ақлу хур фикр,
Касалмандда қайдан бўлсин бу ҳислат!

Афсар Сабзаворий

Саломатлик тана учун қанчалар муҳим бўлса, руҳ учун донолик шунчалар зарурдир.

Франсуа Де Ларошфуко

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИКДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ

И.С. РАЗИКОВА

Тошкент тиббиёт академияси, профессор, Ҳамширалик иши кафедраси мудири

● «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дас-тури»нинг олий ўқув юртли педагоглари учун долзарб вазифаси бу — таълим ислохотларида «онгли интизомлилик» тамойилига ўтиш ва ўқув жараёнига татбиқ қилишдир. Маълумки, ҳозирги замон педагоглари учун ўқитишнинг ноанъанавий усулларидадан фойдаланиш талаб қилинади. Бундан асосий мақсад янги педагогик технологияни жорий этиш ва унинг асосида ўқитиш фалсафасини тубдан ўзгартириш, ўқитишнинг диққат-марказида эса талаба бўлиши кўзда тутилган. Ҳозирги кун талабига кўра талабаларни ўқитишнинг асосий вазифаларига: билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, тушуниш, таҳлил қила олиш, умумлаштириш ва ўзини-ўзи баҳолаш, амалий кўникмаларни ўзлаштириш ва албатта фикрлаш доирасини кенгайтириш кириди. Мутахассисларни тайёрлашнинг янги сифатли йўлларида бири — фанлараро интеграцион дарсларни амалиётга татбиқ этиш ҳисобланади. Интеграция — «тиклаш, тўлдириш ва бирлаштириш» деган маънони билдиради. Педагог талабаларни ўқитиш жараёнида нафақат назарий, касбий, балки амалий кўникмаларни юқори профессионал тарзда амалга оширади. Интеграцион дарсларда жуда кўп муаммолар ечимининг бартараф этилиши, ҳар хил текширув ва ташхис усулларидадан фойдаланиши, икки ва ундан ортиқ педагогларнинг дарсида иштироки албатта дарс жараёнининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Бугунда фанлараро интеграция — ўқитиш жараёнининг энг янги ҳамда фаол йўли бўлиб, педагог ва педагогик жамоанинг ижодий

потенциалини ошишига ва шу йўл билан талабанинг билим даражаси тез юксалишига олиб келади. Интеграциянинг яна бир фазилати шундан иборатки, бугунги кунда тиббиётимизда юз бераётган нохуш ҳолатларнинг, яъни тор доирадаги мутахассисликларнинг кўпайганлиги; янги-янги фанларнинг кўпайганлиги; ўзидан бошқа мутахассисликнинг клиник симптомларини билмаслик ва ҳоказолар. Демак, интеграциянинг аҳамиятли томони — фанлар тизимини такомиллаштиришга, ривожлантиришга, камчиликларни чуқурлаштиришга олиб келади.

Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тиббиёт олийгоҳларини тугатиб, бевосита бемор билан ишлаш жараёнида талабанинг мустақил фикрлаш ва шошилинч ҳолатларда тез ташхис қўйиш, даволаш ишларини айнан мустақил ўтказилиши жуда катта қийинчиликларга олиб келади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, интеграция — бу бир фаннинг бошқа фанга алмашиши эмас, балки фаннинг янги қирраларини очиш ва чуқур ўрганиш орқали, илмий асослашга ёндаштириш демакдир. Ўқитиш жараёнида интеграция фанлар ичида ва фанлараро бўлиб ўтади.

Интеграцион ўқитиш орқали талабани мустақил фикрлашга, вазиятни чуқур таҳлил қила олиш, фикрлаш доирасини кенгайтиришга эришилади.

Педагог интеграцияланган дарсга тайёргарлик кўриш давомида қуйидагиларга албатта эътибор бериши керак:

- дарснинг мақсадини аниқ белгилаб олиши;
- мавзу мақсадидан келиб чиқиб, аниқ адабиётларни тавсия қилиши;

- танланган фаннинг нима учун интеграция қилинаётганлигини аниқлаши;

- тизимли омилни аниқлаши;
- янги ўқитишнинг афзалликларини аниқ билиши;
- эски ўқитиш тизимидаги маълумотларни сақлаб қолиши керак ёки керак эмаслигини билиш лозим бўлади.

Бу янги технологияда маърузаларни ташкил қилиш жуда мураккаб, кўп режали жараён бўлиб, қуйидаги тавсияларга риоя қилиниши керак:

- муаммони дарс режасига мос равишда тузиш;
- дарс қизиқарли ўтиши учун керакли материалларни танлаш (матн, видеоматериал, слайд);

- дарс жараёнида боғловчи иплар бошқа мавзуларни ҳам ўраб олинишини таъминлаш;

- тарқатма материаллардан фойдаланиш;

- аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлаб олиш;

Талабаларга янги ўқитиш жараёни нимаси билан ёқади?

- вақт тез ўтиши;
- педагоглар билан бир вақтда мулоқот ўрнатилиши;
- қисқа муддатда кўп информация берилиши билан.

Фанлараро интеграцияларда нималарга риоя қилиш керак?

- фанлараро ўзаро боғлиқликни асосий технологияси нимадан иборат эканлиги, яъни ҳар бир фаннинг ўз мақсади, вазифа ва дастурлари аниқ, лўнда бўлиши шарт;

- фанлараро боғлиқликни ўрганиш орқали талаба дунёқарашининг кенгайтириши;

- фикрлашининг тезлашиши ва муаммоларни бир бутунлигича

етук шифокор бўлишни мақсад қилиб қўйди. Орзулари уни Термиз тиббиёт билим юртига етаклади ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ҳамшира бўлди.

Гулбаҳорхон Мирзаева қарийб ўттиз тўрт йилдирки, болалигида қилган ниятлари йўлида тиббий кўмакка муҳтожларга малакали ёрдам бериб келмоқда. У бугун фаолият юритаётган Сурхондарё Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими йигирма ўринга мўлжалланган. Бу ерда ҳар кун ёки кунора операциялар ўтказилади. Бу эса малакали врачлар қатори ҳамширалардан юксак билим ва маҳорат талаб этади. Гулбаҳор Мирзаева 34 йилдирки, ўзига юкланган вазифаларни шарафли адо этиб келмоқда.



Манзурахон РАЖАБОВА

● Бухоро Вилоятлараро ихтисослаштирилган болалар уйида етти ёшгача бўлган етмиш нафар ўғил-қиз тарбияланади. Уларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш баробарида соғлигини мунтазам назорат қилиш, тиббий кўмакка муҳтожларга ёрдам бериш бу муассасанинг ҳар бир мутахассиси каби ҳамширадан ҳам юксак маҳорат талаб этади. Қарийб йигирма йилдан бери ушбу даргоҳда ишлаб келаётган Манзурахон Ражабова болаларни парваришлашда нафақат юксак ҳамширалик маҳорати, балки, оналик меҳри билан ёндашади.

Тарбиячилар ва тиббиёт ходимларининг бундай меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиб вояга етакланган болалар ҳам уларга худди ўз оналаридай меҳр билан талпинди. Манзура опанинг қилаётган меҳнатларининг самараси болалар саломатлиги яхшиланаётганида, ушбу муассасада тарбияланаётган ўғил-қизлар ҳеч кимдан кам бўлмай соғлом бўлиб вояга етакланади кўринади. Опанинг бу борадаги кўп йиллик фаолияти давлатимиз томонидан юксак эътироф этилиб, М.Ражабова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Манзура опа давлатимиз ва халқимизнинг бундай юксак ишончи ҳамда эътиборидан мамнун. Бу ишончни оқлаш учун эса янада кўпроқ изланиш, фарзандларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказишда бундан-да фаол бўлишни асосий вазифаси деб билади.

Муаллим

● Маънан етук, жисмонан баркамол навқирон авлодни камолга етказиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир. Зеро, ана шундай эзгу фазилатни ўзида жамлаган авлодгина келажаги буюк давлатни қуришга қодир бўлади. Соғлом фикр ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар бунинг тасдиқидир.

Бу йўналишда белгиланган кенг қўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда таълим тизимида самарали фаолият олиб бораётган малакали устоз-мураббийларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сон Академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси Саидақром Саидумаров ёшлар камолоти йўлида кенг қўламли фаол иш олиб бораётган ана шундай фидойи муаллимлардан ҳисобланади.

Саидақром Саидумаровда касбга бўлган ҳавас болаликдан уйғ-

онди. Зиёли бобоси, педагог отасининг таълим-тарбия соҳасида амалга оширган эзгу ишларидан руҳланган йигит ўқувчилик йилларидаёқ ўз олдига авлодлар касбини давом эттиришни мақсад қилиб қўйди. Бу интилиш уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига етаклаб келди. 1998 йил ушбу олий таълим даргоҳини талабаси бўлди. Университетни тугатгач, аспирантурада ўқиш давомида илмий изланишларни давом эттирди.

Ҳозирда ҳам Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-сон Академик лицейида кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаётган иқтидорли муаллим изланувчанлиги, касбига садоқати, меҳнатсеварлиги, ўз устида тинимсиз ишлаши, янги педтехнологияларни муттасил ўзлаштириш ва амалда самарали қўллаши жиҳатидан ҳамкасблари ва шогирдлари орасида юксак обрў-эътибор қозонди. У кейинги етти йиллик педагогик фаолияти давомида минг-минглаб ёшларга фан сирларини чуқур ўргатди. Мана шундай илмий фаолият даврида унинг шогирдлари орасидан халқаро олимпиадаларнинг олти нафар олтин, кумуш, бронза медаллари совриндорлари етишиб чиқди. Ушбу даргоҳда таълим олган йигит-қизларнинг кўпчилиги тиббиёт соҳасидаги олий ўқув юртлирида ўқиб, ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишмоқда.

Таълим соҳасида самарали меҳнат қилаётган муаллимнинг хизматлари давлатимиз томонидан юксак эътироф этилиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Ватанимизнинг юксак мукофотларига совриндор бўлган эл саломатлигини асраш йўлида фаол иш олиб бораётган устоз ва ҳамшираларимизнинг барчасини таҳририятимиз номидан муборакбод этамиз. Шарафли ва масъулиятли ишингизда омад ва муваффақиятлар доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

ЭЛ ИШОНЧИ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

● Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 ва 27 августдаги мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида биноан мукофотланганлар орасида ҳамшираларнинг ҳам борлиги ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатига берилган юксак баҳодир.



Зулфияхон МАДРАХИМОВА

● Ушбу Фармон асосида мукофотланганлардан бири – Наманган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси Зулфияхон Мадрахимовадир.

Зулфияхон Наманган тиббиёт билим юртини 1990 йилда тугатиб, ўз фаолиятини Уйчи туман болалар юқумли касалликлар шифохонасида бошлади. Бу ердаги фаолияти мобайнида устозлари Маъмура Йўлдошева, Ҳикоят Қамбаровадан касбий маҳорат сирларини чуқур ўрганди. У ҳозирги кунда Наманган Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси бўлиб ишламоқда.

Барча йўналишларда бўлгани каби реанимация бўлими ҳамшираси ҳам юксак малакали, билимли, эпчил, чаққон, зукко бўлиши, беморни қабул қилиб олар экан, унда тезда тузалиб кетиши-

га ишонч туғдира олиши керак. Зеро, ҳар қандай дардни ширин тил билан даволаш энг муҳим мезондир.

Малакали ҳамшира йигирма йилдан кўпроқ фаолияти мобайнида бу тамойилларга тўла риоя қилади ва шогирдларига ҳам буни доимо уқтиради. Ўз касбининг фидойиси бўлган ҳамширанинг эл саломатлигини сақлаш йўлидаги самарали меҳнатлари давлатимиз ва халқимиз томонидан юксак эътироф этилди: у II даражали «Соғлом авлод» ордени билан тақдирланди.



Машкура МАМАТҚУЛОВА

● Давлатимиз раҳбарининг Фармонида мувофиқ, «Шухрат» медали билан тақдирланган Тошкент вилоят Пискент Туман марказий шифохонаси шошилинич тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Машкура Маматқулова 33 йилдан буён эл саломатлигини асраш йўлида меҳнат қилмоқда. У бугун юртимизда шаклланган замона-

вий тиббиётнинг энг муҳим бўғини – шошилинич тиббий ёрдам тизимида самарали фаолият юрITYап-ти. Ҳамшира ишлаётган бўлимга ҳар куни қирққа яқин мурожаат бўлади. Тиббий ёрдам истаб келганларга ўз вақтида тез ва самарали кўмак беришда врач билан бир қаторда малакали ҳамширанинг ҳам алоҳида ўрни бор. М.Маматқулова қарийб ўн йилдан буён бу вазифани тўлақонли бажармоқда. У ўз билимини ошириш, ҳамширалик ишидаги янги технологияларни ўзлаштириш устида доимий изланади. Тиббиёт тизимидаги ислохотлар самарасида малака ошириш бўйича яратилган замонавий тизим ҳамширанинг бу борадаги интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.



Гулбаҳорхон МИРЗАЕВА

● «Шухрат» медали билан тақдирланганлардан яна бир – Сурхондарё Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлимида фаолият юритаётган Гулбаҳорхон Мирзаевадир.

Гулбаҳорхон опанинг болалик йилларида отаси қаттиқ хасталаниб, доимий тиббий кўмакка муҳтож бўлиб қолади. Ўша пайтларда қишлоқда кичиккина медпунктлар бўлар, бугунгидек тез ва самарали тез ёрдам кўрсатиш тизими йўқ эди. Дард хуруж қилганда, отасининг азоб чекишлари қизалоқни қаттиқ ўртарди. У ана шундай вазиятларда ўз олдига

қабул қила олишини таъминлашга эришиш керак;

- фанлараро интеграция муаммолар олдини олиш ҳамда қарама-қарши фикрлаш бўлмаслигини таъминлаш керак;

- фанлараро интеграция талабани қизиқиши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш орқали уни илмий ёндашувга чорлаши керак;

- конкрет ва ҳар томонлама ёндашув орқали талаба ўз билимларини ўз амалиётига татбиқ эта олишга эришиш керак.

Педагогларга фанлараро интеграция нима беради?

- ўз дарсларини ўзи ташқаридан баҳоланишини;

- назарий билимларини ягона мақсадли тизимга бирлаштиришини;

- ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиб олиши;

- маъруза ўқиш услубини ўзгартиришини таъминлайди.

Бугунги кунда бизнинг Тошкент тиббиёт академиясининг «Ҳамширалик иши» кафедрасида ҳамширалик иши фани бўйича талабаларга тренинг, кейс усулидан, интерактив технологиялардан кенг фойдаланилади. Дарсада муаммолар - клиник вазиятли масалалар ечилади, имитация шаклида яъни «талаба – бемор, ҳамшира» ўйини кўринишида бевосита палата ва тематик ўқув хоналаримизда амалий кўникмалар ўтказилади. Кафедрамизда талабалар-

нинг мустақил ишига алоҳида эътибор берилади ва барча фанлардан асосий ўқув қўлланмаларнинг электрон шакллари, мажмуалари бор. Талабани ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш, модулли ўқитиш ва уларнинг мустақил ишга ёндаштириш ўз мевасини бериб келмоқда.

Юқорида изоҳлаб ўтилган ишлар орқали бизнинг талабаларимиз ўз устида чуқур ишлаб, кенгроқ билим олиши ва энг асосийси уларнинг амалий кўникмалар устида жаҳон стандартларига амал қилиб ишлаши, ижодий потенциалини ошириши, профессионал олий маълумотли ҳамшира бўлиб етишишига замин яратади ва шундай бўлмоқда ҳам.

MUSTANKAM OILA YILI

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЮРТ ТАЯНЧИ

Шоира МАЛИКОВА,

М.С. Турсунходжаева номли тиббиёт коллежи ўқитувчиси

● Бизнинг ўқув масканимизда асосан қизлар тиббий йўналишда таълим оладилар, уларнинг ўз билимларини қандай қилиб ҳаётга тўлиқ ва тўғри татбиқ эта олишлари, бу билимларнинг уларнинг келажаги учун нечоғли муҳимлигини талаба ёшларга уқитириш бизнинг вазифамиздир.

Коллежга қизлар жуда нозик ёшда келадилар. Уларга фақатгина ўқувчига қарагандай эмас, бўлажак келин ва оналарга қарагандай назар ташласак, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳар бир ўқувчи бир олам. Уларни фақат кийинишидангина эмас, балки юриш-туришидан ҳам қандай оиладан эканлигини билиб олса бўлади. Қизнинг аёл бўлиб шаклланишида оила муҳити катта аҳамиятга эга.

Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтилмайди. Оила си тинч ва фаровон бўлса, қиз бола ҳам шунга яраша ўзига, келажагига ишонч билан қарай оладиган инсон бўлиб етишиб чиқади. Ўша қиз, келин бўлиб тушган

оила аъзоларини ҳам ҳурматини қозона олади. Коллежда қизларимиз энг аввало янги жамоага тушиб қолади. Бу кичик жамоада ҳар бири ўз ўрнини эгаллай бошлайди. Педагогнинг асосий маҳорати мана шу ердан бошланади. Қизлар шундай ёшда бўладикки, уларнинг онги, руҳи катта ҳаётга тайёрланишга мослаша бошлайди.

Ушбу ёшда асосан қизларимиз севги-муҳаббатга баъзан ошқора, баъзан зимдан қизиқа бошлайдилар. Бу соҳада руҳшуноснинг тўғри йўналишдаги маслаҳатини олиш жуда муҳимдир. Чунки қизлар оналарига, яқинларига айтолмаган пинҳона сирларини, муаммоларини ўзлари ҳал қилмасдан, мутахассисга мурожаат қилишни ўрганишлари, бу йўналишдаги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни билишлари керак бўлади. Жаёлатга берилиб, адашиб қолмасликлари жуда муҳимдир. Қизларимизга ўз ҳис-туйғуларини, фикрларини тўғри ифодалай олиш санъатини ҳам бериб боришимиз керакки, бу нарса улар-

нинг келажагида жуда муҳим.

Энг қизиқ машгулот – бу ҳаваскор драматик тўғарақлардир. Турмушда бу маҳорат ҳам жуда асқотади. Чунки аёл киши ҳаётда, турмушда актёр бўлиши керак, деб ўргатишади. Шоирамиз Нилуфар опа, аёл ширининг қалби йиғласа ҳам, чеҳраси табассум қилиши керак, деб ёзгандилар. Бу ҳаётдаги энг муҳим аёллик маҳорати.

Аёл оилада ўз ўрнини топа олмас, ўзининг маҳорати билан оилада соғлом муҳит ярата олмас, бу оилада тинчлик бўлмайди. Оила бошлиғи эркак деймиз-ку, лекин оила муҳитини аёл яратади. Қизларимизни мана шу йўналишда ўқитиб тарбиялашимиз даркор.

Қиз бола ўз ҳаёт китобини шундай ёза бошлаб, умри давомида бойитиши керакки, турмуш ўртоғи, оила аъзолари ўқиб тугата олмасин, қайта-қайта қўлига олсин. Муқовасига қизиқиб, ичини очиб, кейин ташлаб юборадиган китоб бўлмасин.

СИЙДИК ЧИҚАРИШ ЙЎЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

ҲАМШИРАЛИК ИШИ БАЁННОМАЛАРИ

(Давоми. боши ўтган сонларда.)

Ҳамшира томонидан кўрсатиладиган фаолият	Асос
<p>Патронаж/оила ҳамшираси қуйидагиларни билиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сийдик чиқариш йўли касалликлари (қайсидир аъзоси) одатда бу йўллар инфекция билан, асосан, бактериялар билан зарарланганда ривожланади; - Сийдик чиқариш йўли касалликлари, улғайган эркаларга нисбатан, кўпроқ ёш аёлларда учрайди; - Сийдик чиқариш йўли касалликлари, болаларда кам учрайди, аммо оқибати жиддий бўлгани сабабли касалликни эрта босқичларида даволашни бошлаш муҳим; - Шунингдек, ҳомилдорларда ҳам сийдик чиқариш йўли касалликларини даволаш муҳим. Агар касаллик даволанмаса, вақтидан олдин туғруқ ёки кичик вазни бола туғилишига сабаб бўлиши мумкин; - Сийдик чиқариш йўли касалликлари тўғри даволанганда, асоратлар бўлмайди ва касаллик тез ўтиб кетади; - Сийдик чиқариш йўли касалликларини даволамаслик, буйракнинг қуриши ва қоннинг захарланиши каби жиддий асоратларга олиб келиб, ўлимга сабаб бўлиши мумкин. 	<p>Маълумот бериш дардни енгиллаштиради, шунингдек, даволаш ва маслаҳат беришда ёрдам беради.</p> <p>Бактериялар, уретра орқали ёки айрим ҳолатларда, қон оқими орқали сийдик чиқариш йўлига кириши мумкин. Одатда, сийдик чиқариш йўли касалликларини зарарланишининг яққол сабаблари йўқ, бироқ айрим аёллар сийдик чиқариш йўли касалликларига жинсий алоқадан сўнг дучор бўлишган, деб ҳисобланади.</p>
Белгилар	
<p>Патронаж/оила ҳамшираси беморларда, мижозларда қуйидаги белгилар бўлганда уларни шифокорга жўнатиши керак:</p> <p>Пастки сийдик чиқариш йўли касалликлари белгиларига киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сийдик чиқаришда оғриқ ёки "куйиш" ҳисси (дизурия); - Тез-тез қистаниш; - Сийдик пуфагини, тўла бўшалиш ҳиссини бўлмаслиги; - Пешоб лойқа, бадбуй ҳидли ёки унда қон изларининг бўлиши; - Қорин пастидида оғриқ; - Ҳароратнинг кўтарилиши (тана ҳарорати 37-38°C атрофида). <p>Юқори сийдик чиқариш йўли касалликлари белгиларига киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Пастки сийдик чиқариш йўли касалликларининг ҳар қандай белгиси; - Юқори ҳарорат (тана ҳарорати 38°C ва ундан юқори); - Кўнгил айнаши ёки қайт қилиш; - Қалтираш ёки увишиб; - Бел соҳасида ёки ёнбошда, одатда бир томонлама оғриқ. 	<p>Пастки сийдик чиқариш йўли касалликлари: бу сийдик чиқариш йўлининг пастки қисмининг (уларга сийдик пуфаги ва уретра (сийдик йўли киради) касалликлари киради. Сийдик пуфаги касаллиги - цистит, сийдик йўли касаллиги - уретрит деб аталади.</p> <p>Юқори сийдик чиқариш йўли: бунга сийдик чиқариш йўлининг юқори қисмининг (уларга буйраклар ва сийдик найи киради) касалликлари киради. Юқори сийдик чиқариш йўлининг касалликлари пастки сийдик чиқариш йўли касалликларига нисбатан хавфли ҳисобланади, чунки буйракларнинг зарарланиш хавфи бор.</p>
Сабаблари	
<p>Патронаж/оила ҳамшираси қуйидагиларни билиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сийдик чиқариш йўли касалликларини бактериялар чақиради; - Сийдик чиқариш йўли касалликларини аксар сабаби, бактериялар, одатда йуғон ичакда яшовчи <i>Escherichia coli</i> ҳисобланади; - Бактериялар сийдик йўли орқали киради ва сийдик пуфагида кўпаяди; - Пешобда бактерияларнинг бўлиши сийдик чиқариш йўли касалликлари бор дегани эмас. <p>Масалан, кўпчилик инсонлар, айниқса, кексалар пешобда бактериялар мавжуд ва уларда ҳеч қанақа касаллик белгилари кузатилмайди. Бунақа ҳолатларга "белгисиз бактериурия" дейилади.</p>	<p>Эҳтиётсизлик туфайли бактериялар, орқа чиқарув тешигидан сийдик чиқариш йўлига ўтиши мумкин. Бу, ҳожатхонага бориб, катта ҳожатни чиқаргач, орқа чиқарув тешигини артганда, қоғоз ташқи жинсий аъзоларга тегиши натижасида рўй бериши мумкин экан.</p> <p>Кейин бактериялар сийдик чиқариш йўли орқали юқорига кўтарилиши ва сийдик пуфаги (цистит) ҳамда буйракларда (пиелонефрит) касаллик чақариши мумкин.</p>

ларга қараганда яхшироқ таъсир кўрсатади ҳамда беморлар томонидан миннатдорчиликка сазовор бўлади. Баъзан беморнинг гапларини шунчаки тинглаш муҳимдир, лекин юзакиликка йўл қўймасдан тегишли равишда жавоб бериш керак. Беморларнинг гапларини тинглай олиш яхши ҳамширанинг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланади. Беморни тинглай олиш бемор ҳақида энг зарур ахборотга эга бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, суҳбат вақтида бемор хотиржам бўлади, унинг ички хавотирлиги йўқолади.

Бемор билан ҳамшира ўртасида алоқа ўрнатиш учун ҳамширанинг маънавий қиёфаси муҳим аҳамият касб этади. ҳамшира ўз касбини севиши, фидойи бўлиши, ижобий маънавият-ахлоқий-эстетик фазилатларга эга бўлиши мумкин, лекин у беморлар билан тез-тез ихтилофлар чиқариб турса, унинг мутахассис сифатидаги фазилатлари етарлича самара бермайди. Ҳақиқий маҳорат йўли ҳамшира узоқ ва машаққатли бўлади. Ҳамшира зарур иш услубини ҳосил қилиш ва беморларга яхши таъсир кўрсатиш санъатини эгаллаши зарур.

И.Харди «Врач, ҳамшира, бемор» деб номланган китобида ҳамширалар фаолиятининг таснифига мувофиқ уларнинг 6 типини тасвирлаб беради:

1. «Қотиб қолган ҳамшира», унинг энг таснифли хусусияти ўз вазифаларини илтифотсиз бажаришидир. Улар тепса-тебранмас. У ўзига берилган вазифаларни жуда аниқ пухта адо этади, бунда ғайрат ва маҳорат кўрсатади. Беморни парвариш қилиш учун керак бўлган ҳамма нарсани бажаради, лекин бундай парваришнинг ўзи кўзга ташланмайди, чунки ҳамшира автомат равишда, бефарқ ишлайди, беморлар билан биргалликда қайғурмайди, уларга хайрихоҳлик кўрсатмайди. Бундай ҳамшира ухлаб ётган беморни фақат унга шифокор ёзиб берган

уйку дорисини бериш учун уй-готишга қобилдир.

2. «Ёзиб олган ролни ижро этувчи ҳамшира». Бундай ҳамшира иш жараёнида қандайдир бир роль ўйнашга интилади, муайян идеални амалга оширишга уринади. Борди-ю, унинг хулқ-атвори йўл қўйиладиган чегарадан нари ўтса, бевоситалик йўқолади, носамимийлик пайдо бўлади. У мурувватли ҳамшира ролини ўйнайди, «артистлик» қобилиятларини намойиш этади. Бундай хулқ-атвор сунъий бўлиб, кўзбўямачилик учун қилинади.

3. «Асабий» ҳамшира типи. Улар эҳтиросли, ўзгарувчан шахс бўлиб, невротик реакцияларга мойиллик кўрсатадилар. Натижада улар кўпинча жаддор, жиззак, қўпол бўладилар, коридорга чиқиб айюханнос солиб бақирадилар: «Беморлар!!! Соат 12 даги уколни бошлаймиз. Тайёр бўлинглар!!!» Бу бақирани эшитган қариялар, беморлар талвасага тушишади ё ёлвориб «Эй Оллоҳим, ўзинг тарбиясиз бу ҳамширага инсоф бергин», деб пичирлайдилар. Бундай ҳамширани ҳеч бир айби бўлмаган беморлар ёнида қавоғи солиқ, чеҳрасида маъюслик, хафалик сезилган ҳолда кўриш мумкин. У ғоят ипохондрик «бўлиб, юқумли касаллик юқишидан ёки оғир касаллик» билан оғришдан қўрқади. У кўпинча турли топшириқларни бажаришдан бош торғади, гўё оғир нарсани кўтара олмас эмиш, оёқлари оғир эмиш!!! ва ҳ. к. Бундай ҳамширалар ишда тўсиқларни вужудга келтирадилар ва кўпинча беморларга зарарли таъсир кўрсатади.

4. «Эркаклара ўхшаш, кучли психикага эга бўлган ҳамшира типи». Бундай ҳамширани узоқдан юришига қараб таниш мумкин. Улар қатъиятли, кескин, жиддий бўладилар. Кўпинча улар унчалик саранжом-сариншта бўлмайди, беморларга нисбатан кўполлик ва ҳатто агрессивлик (тажовузкорлик) қилади, қулай шароитларда бундай ҳамширалар

яхши ташкилотчи бўлиши мумкин.

5. «Онахон типдаги ҳамширалар». Бундай ҳамшира ўз ишини ғамхўрлик ва беморларга меҳрибонлик билан бажаради. Унинг учун иш — ҳаётнинг зарур шarti. У ҳамма нарсани уддалай олади ва ҳамма ишга улгуради. Беморлар ҳақида ғамхўрлик қилиш унинг ҳаётий бурчидир. Кўпинча унинг шахсий ҳаёти ҳам бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, одамларга меҳр-муҳаббат билан суғорилган бўлади.

6. «Мутахассис типи». Булар шундай ҳамшираларки, улар ўзларининг алоҳида шахсий хусусиятларига, алоҳида қизиқишларига кўра, махсус вазифаларга таянадилар.

Улар ўз ҳаётларини мураккаб вазифаларни, масалан, махсус лабораториядаги вазифаларни бажаришга бағишлайдилар; ўзларининг тор ихтисосларига ниҳоятда берилган бўладилар. Шундай ҳамширалар бўладилар, улар наинки шифокор, ҳатто бош шифокор ишини қойилмақом қилиб бажаришлари мумкин.

Санаб ўтилган бу типлар анча шартли бўлиб, улар бизнинг воқелигимиз, хусусан тиббиёт ватани бўлган Ўзбекистон тиббиётининг ҳамширалари юксак маънавият, ахлоқий-эстетик қиёфа, камтарлик, олижаноблик, адолатлик, юксак эстетик дид, фаросатли ҳозирги замон ҳамширасининг муомала маданияти асосларини ташкил этади.

Ҳамширанинг шахси, унинг иш усул ва услублари, беморларга ижобий- руҳий таъсир кўрсатиш техникасининг ташкил этилганлиги, замонавий ҳамширалик жараёни, ҳамшира баённомалари ва ҳамширалик ёзувлари технологиясини чуқур эгалламай, беморлар билан мулоқот қилиш санъатини билишлари соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳамда даволаш жараёнини таъминловчи мураккаб тадбирлар тизимидаги муҳим бўгин ҳисобланади.

ҲАМШИРАНИНГ БЕМОР БИЛАН МУЛОҚОТ САНЪАТИ

Абдукарим УСМАНХОДЖАЕВ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

● Ҳамшира бемор билан муомала қилишда ахлоқий меъёрларга, муомала санъати ва ҳамшира этикет элементларига амал қилиши, шифокор билан бемор ўртасида ишонч ҳолатини вужудга келтириши, шифокор ва тиббиёт муассасасининг обрў-эътиборини оширишга ёрдам бериши, шифокор сирига қатъий риоя қилиши шарт. Ҳамширанинг иши ўта кучли руҳий зўриқиш билан боғлиқдир. Бундай зўриқиш, албатта, беморлар билан бевосита мулоқот қилиш чоғида, баъзи беморларнинг ҳаддан зиёд таъсирчанлиги, касаллик туфайли инжиқ бўлиб қолиши, жиззакилиги натижасида вужудга келади.

Ҳамширанинг бемор кўнглига йўл топиб кета олиши жуда муҳимдир. Шунинг учун унинг ҳамширалик жараёнидаги аниқ ҳаракатлари ва шифокорнинг аниқ кўрсатмаларини маҳорат билан бажариши, беморга хайрихоҳлик билан самимий муносабатда бўлиши, камтарлиги, хушмуомалалиги, гўзаллиги беморга руҳий таъсир кўрсатади. Бу омиллар, яъни ғамхўрлик, диққат-эътибор ҳамшира билан бемор ўртасидаги мулоқотнинг асоси ҳисобланади. Бунда сўз шакли, нутқ оҳанги катта аҳамиятга эгадир. Ёқимли ва ширин сўз билан беморга муурожаат қилишда, самимий бўлишда, табассумда, беморларига ғамхўрлик ва самимий диққат-эътибор, олижаноблиги ахлоқ ва маданият доирасида бўлиб, ҳеч қачон интим характер касб этмаслиги, беморлар ўзлари ва ҳамшира ўртасидаги масофани суистеъмомол қилишига йўл қўймаслиги керак. Ҳамшира бундай ҳол бўлиши мумкинлигини унутмаслиги ва шунга мувофиқ ўзининг ҳат-

ти-ҳаракатларини тартибга солиши ва беморнинг ҳулқ-атворини кузатиб бориши керак.

Ҳамшира шифокор сирини қаттиқ сир тутиши лозим. Шифокор сири деганда қуйидагилар тушунилади:

1) бемор тўғрисидаги маълумотлар; бу маълумотни ҳамшира беморнинг ўзидан ёки муолажа жараёнида олади ва улар жамоатчилик ўртасида маълум қилинмайди;

2) бемор тўғрисидаги маълумотлар (касалликнинг нохуш якуни, беморга руҳий зиён етказувчи ташхис ва ҳ.к.); ҳамшира бу маълумотларни беморга маълум қилмайди.

Даволаш сири масаласини ҳал қилишда жамиятга зарар етказмаслиги ҳисобга олинади. Шундай вазиятларда, яъни даволаш сири сақлашнинг ўзи жамиятга ёки беморнинг аторофидаги шахсларга зарар етказса (масалан, венерик, юқумли, руҳий касалликларда ва шу кабиларда), ҳамшира беморга руҳий зиён етказмаган ҳолда зарур чоралар кўриши лозим.

Ҳамшира фаолиятида кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўладики, шифокор сири алдаш билан боғлиқ бўлади (шунинг учун ҳам врач сўзи «врать» сўзидан олинган), уни С.П.Боткин «Муқаддас ёлғон» деб атаган эди. Масалан, касаллиги ўлимга олиб борадиган беморга унинг касаллиги оғир эканлигини айтмаслик лозим.

Ўлими аниқ бўлган беморларга улар соғайиб кетишига умид билдириб айтилган сўзлар уларга тасалли беради. Касалликнинг характери ва унинг қандай якуни топиши ҳақидаги маълумотларининг эмас, шу билан бирга, бе-

морларнинг интим ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ҳам инкор қилиб бўлмайди, чунки бу ҳол уларга азоб-уқубат келтириши ва ҳамширага бўлган ишончга путур етказиши мумкин.

Шифокор ва ҳамширанинг бемор билан муомаласида соғайиб кетишига ишонч, тўғри даволашга ёрдам бериши ва беморнинг аҳволи ёмонлашиб қолганда унга ёрдам кўрсатишларига кўнгли тўқ бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бемор қилган илтимосларнинг қондирилмаслиги, бемор чақирган пайтда ҳамширанинг кеч қолиши, шифокор белгиланган даво муолажаларини пухта бажармаслиги, маъмуриятга хос сабоқ муомала оҳанги билан гапириш беморларда ўз аҳволи учун хавотирлик ва шикоят қилишга истак уйғотади ёки консилиум чақирини илтимос қилишга мажбур этади.

Ҳамшира қўшни даволаш бўлимида нима воқеа рўй берганлигини, оғир беморлар ҳақидаги хабарларни сўзлаб ўтириш ножиб, чунки бу нарса касалликни кучайтириши, беморларда кўрқув ва хавотирликни ошириши мумкин. Одобсизлик, суҳбатда кескин оҳангда, ниқтаб-ниқтаб гапириш, муомала қилиш ҳамшира билан беморлар ўртасида ижобий муносабат ва алоқа ўрнатишга халақит беради.

Ҳамшира бемор билан алоқа ўрнатганда унинг кечинмаларини тушуниши ва уларга хайрихоҳлик намоён этиши лозим. ҳамширанинг шафқат кўрсатишга ҳозирлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Беморнинг шикоятларига хайрихоҳлик билан қараш, иложи борича унинг касаллик кечинмаларини енгилаштиришга интилиш баъзан белгиланган дори-дармон-

Ташхис	Даволаш	Хавф факторлари	Касалликни олдини олиш - ўз-ўзига ёрдам бериш
Патронаж/оила ҳамшираси беморни, мижозни қуйидагилардан ҳабардор қилиши керак: - Пешоб таҳлили ўтказилади; - Циститни одатий белгилари кузатилганда, ташхисни тасдиқлаш учун кейинги таҳлилларни ўтказишга балки ҳожат бўлмас. Сийдик чиқариш йўли касалликларини тасдиқловчи оддий таҳлил йўқ, аммо юқори ҳарорат ва ёнбошда оғриқ бўлиши, одатда юқори сийдик чиқариш йўлида касаллик борлигини кўрсатади.	Патронаж/оила ҳамшираси беморга мижозга қуйидагиларни айтиши керак: - Сийдик чиқариш йўли касалликларини антибиотиклар қўллаш орқали даволаш мумкин; - Пастки сийдик чиқариш йўли касалликларида антибиотиклар уч кун қўлланганда самарали даволанади; - Юқори сийдик чиқариш йўли касалликларида антибиотикларни етти кун қўллаганда самарали даволанади; - Бемор ўзини яхши ҳис қилганда ҳам антибиотиклар билан даволаниш курсини охирига етказиш муҳимдир.	Патронаж/оила ҳамшираси қуйидагиларни билиши керак: Сийдик чиқариш йўли касалликларини билан касалланиш эркакларга нисбатан, аёлларда юқори. Сийдик чиқариш йўли касалликларини ривожланиш хавфи юқори бўлади, агар мижозда: - Сийдик чиқариш йўли ўтказувчанлиги қийин ёки ёпиқ, масалан буйракда тошлар бор каби касалликлари бор бўлса; - Сийдик пуфагини тўлиқ бўшалишига қаршилик кўрсатувчи касалликлар бўлса; - Иммуни тизими кучсиз бўлса, масалан қандли диабет, кимёвий даво курсини олиш; - Жинсий фаоллик ёшида бўлса; - Простата бешик катталашган эркакларда; - Мижозга, сийдик чиқариши учун сийдик чиқарувчи катетери қўйилган бўлса (пешоб чиқариши учун найча сийдик пуфагига қўйилади);	Патронаж/оила ҳамшираси, сийдик чиқариш йўли касалликларига дучор бўлиш хавфини камайтириш мақсадида, беморга қуйидаги маслаҳатларни бериши керак: - Суюқликларни кўп миқдорда қабул қилиш айниқса сувни, чунки у сийдик йўли ва сийдик пуфагида бактерияларни ювиб чиқарилишида ёрдам беради; - Сийдик чиқариш ҳисси бўлгандаёқ, ҳожатхонага чиқиш, пешобни ушлаб туришга ҳаракат қилмаслик; - Қабзиятни зудлик билан даволаш, чунки қабзият сийдик чиқариш йўли касалликларини ривожланиш хавфи юқори бўлишига олиб келади. Даволаниш курсида, ўсимликларни кўп тутган таомларни, қисқа вақтда бўшаштирувчи дориларни қабул қилиш ва кўп суюқлик ичиш тавсия қилинади; - Ҳожатдан кейин орқа чиқарув тешигини олдиндан орқага йуналиши бўйича артиш - Гигиенага риоя қилиш, жинсий аъзоларни ҳар куни ва жинсий алоқадан олдин тозалаб ювиш; - Жинсий алоқадан сўнг, сийдик пуфагини бўшаатиш.
	Эркакларга нисбатан аёлларда касалликни кўп учрашига сабаб, аёлларнинг сийдик чиқариш йўли орқа чиқарув тешигига яқин жойлашган, бу эса бактерияларни анусдан уретрага тушишини енгилаштиради. Сийдик чиқариш йўли аёлларда эркакларга (эркакларда жинсий аъзо - олат орқали ўтган) нисбатан калта, бу ҳам бактерияларни сийдик пуфагига осон тушишига ёрдам беради.	Жинсий фаоллик натижасида, сийдик чиқариш йўлида (уретра) қўзғалиш ёки безовталиқ бўлади, бу ҳолат бактерияларни сийдик пуфагига тушишини енгилаштиради.	
	Антибиотиклар билан даволаниш охирига етказилмаганда, шу антибиотикларга нисбатан резистентлик (сезувчанликни камайтириш) олиб келади.		Сийдик чиқариш йўли касалликларини бутунлай олдини олиш мумкин эмас, аммо касаллик ривожланиш хавфини камайтириш мумкин.

СКРИНИНГ ХИЗМАТИ – ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

● Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти инсон манфаатларини муҳофазалашга ва аҳоли саломатлигини асрашга йўналтирилаётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз самараларини яққол намён этаётди. Бундай кенг қўлмалли ислохотлар натижасида юртимизда тиббиёт тизимида кўплаб янги йўналишлар шакллантирилди. Буларнинг барчаси тиббий-ижтимоий соҳаларда узоқни кўзлаб қабул қилинган давлат дастурларининг самарасидир.

Юртимизда 1998 йилдан буён амалга татбиқ этилаётган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури шундай муҳим лойиҳалардан бири. Скрининг — бу махсус усуллар ёрдамида касалликни эрта ва тез аниқлашдир. Ушбу Дастур самарасида тиббий-генетик хизмат такомиллашди, ҳомиладаги ривожланиш нуқсонларини ўз вақтида аниқлаш йўлга қўйилди, болалар туғма ногиронликнинг олди олинмоқда. Юртимиз тиббиётида жорий этилган замонавий лаборатория ва функционал текширув усуллари, ташкил этилган тиббий-генетика муассасалари тармоғи бу бо-

радаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бугун Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида пренатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни текшириш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Бу она ва бола саломатлигини асраш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Республика скрининг марказидан маълум қилишларича, биргина ўтган йилнинг ўзида 150 минг ҳомилдор аёл скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Бундай тиббий кўриклар жараёнида ҳомиллада туғма нуқсон ёки ирсий касалликлар ривожланаётган ҳолатлар ҳам қайд этилади, — дейди Республика скрининг марказининг директори, тиббиёт фанлари доктори Мадина Шарипова. — Шундай вазиятларда мутахассислар томонидан бўлажак оналарга, уларнинг оила аъзолари

ри ва яқинларига ушбу ҳолатларнинг келажак авлодлар, оила ва насл саломатлигига салбий таъсири тўла-тўқис тушунтирилади. Шундан кейин деярли барча оилалар бундай ҳомилдорликни тўхтатишга қарор қилишади. Ана шундай тадбирлар самарасида туғма ногиронликни камайтиришга эришмоқдамиз.

Маълумки, инсоният ирсий касалликлар муаммосини ҳал қилишни қадим замондан буён ҳаракат қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳозиргача уч ярим мингдан кўпроқ туғма ва ирсий касалликлар аниқланган. Улардан баъзилари наслдан наслга ўтса, айрим касалликлар ташқи кўринишидан соғлом бўлган ота-онанинг фарзандларида аниқланади. Бизнинг ҳудудимизда туғма гипотериоз, фенилкетонурия, рахитсимон касалликлар, Дюшен миопатияси, хондродистрофия, тугалланманган остеогенез каби касалликлар учраб туради.

Оилада ирсий касалликлар билан бола туғилишининг сабабларидан яна бири — қариндошлар никоҳидир. Чунки, ҳар бир бола ўз генларининг ярмини онадан,



ярмини отасидан олади. Табиийки, қариндошлар никоҳида «касалик» генларининг ташувчиси бўлган ота-оналарда «касалик» генларининг учраш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун ҳам қариндош бўлмаган оилалардан кўра қариндош бўлган оилаларнинг фарзандлари орасида ирсий касалликларнинг учраш хавфи юқоридир.

Маълумки, Даун синдроми-нинг болаларда учрашининг асосий сабаби онанинг ёши билан боғлиқ. Ушбу хасталикнинг учраш хавфи ёши ўттиз бешдан ошган оналарда юқоридир.

Булардан ташқари, аёлларда учрайдиган эндокрин касалликлар (эндемик буқоқ, гипотиреоз) боланинг туғма гипотиреоз билан туғилишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

Туғруқлар оралигининг уч йилдан кам бўлиши ҳам болаларнинг нимжон, тез-тез касал бўлишларига олиб келади.

Шуни айтиш жоизки, туғма ва ирсий хасталик билан дунёга келадиган болани тўла-тўқис соғломлаштириш мураккаб масала, бироқ унинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун ота-она соғлом, оиладаги тиббий маданият юқори бўлиши, турмуш соғлом тарзда кечиши лозим.

Республика Скрининг маркази ва унинг жойлардаги филиаллари мутахассислари бунга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Маҳалларда, қишлоқ врачлик пунктла-

рида, таълим масканларида ўтказиладиган давра суҳбатлари, мулоқотлар ва тиббий илмий-амалий анжуманларда аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Бу ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, тегишли илмий-тадқиқот институтлар, ихтисослаштирилган марказлар ҳамкорлигида тиббий қўлланмалар, буклетлар ва бошқа материаллар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда. Уларда соғлом наслга таҳдид солувчи омиллар, турли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, фертиль ёшдаги аёллар, болалар, ўсмир йигит-қизларни белгиланган муддатларда тиббий кўриктан ўтказиш ишларининг аҳамияти, қариндошлар ўртасида ва эрта никоҳнинг салбий жиҳатлари, туғруқлар оралигини сақлашнинг она ва бола саломатлигини асрашда тутадиган ўрни батафсил изоҳлаб берилган.

Бундай тарғибот ишлари самарасида аҳолининг скрининг тизимига мурожаати ва ишончи ортиб бормоқда. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони маълум даражада камайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бундай хайрли ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бу йўналишдаги вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари билан бир қаторда жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этаётди, жойларда иш олиб бораётган махсус жамоатчилик кенгашлари томонидан маҳалларда тиббий саводхонликни оширишга оид тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Соғлом авлодни камолга етказиш орзусида бажарилаётган тадбирлар самараси бугунги ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келётган навқирон авлод тимсолида ҳам яққол гавдаланади. Маълумотларга кўра, юртимизда мулақо соғлом болалар кўрсаткичи 2005 йилда 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди.

Ушбу натижалар давлатимизнинг алоҳида эътибори, ғамхўрлиги ва меҳр-муҳаббати оғушида юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлод вояга етаётганининг яққол далилидир. Ушбу баркамол авлод эзгу орзу-умидимиз ва буюк мақсадларимизни рўёбга чиқарувчи беқиёс куч, келажакимизнинг мустақкам пойдеворидир.

Б. ХАЙДАРОВА.

